

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИК
ФАОЛИЯТ

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

ТОШКЕНТ – 2017

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Муаллифлар:

Т. Б. Маматқулов, С. А. Нурумбетова,

Тақризчилар:

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМ бошлиғи **Н. Ғ. Неъматов,**
юридик фанлар номзоди, доцент **Б. Н. Рашидов**

Маматқулов Т.Б.

М-94 **Эксперт-криминалистик фаолият:** Маърузалар курси /
Т. Б. Маматқулов, С. А. Нурумбетова ва бошқ; Масъул муҳаррир
юридик фанлар номзоди, доцент Т.Б.Маматқулов. – Т.: Ўзбекистон
Республикаси ИИБ Академияси, 2017. – 84 б.

Маърузалар курсида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика хизматининг тизими, тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари, эксперт-криминалистика хизматининг асосий вазифа ва функциялари, эксперт-криминалистика хизмати тизимларида номзодларни танлаш ва шахсий таркибни ўқитиш тартиби, эксперт-криминалистика Марказига бўйсунувчи бўлимларнинг замонавий имкониятлари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертиза марказининг замонавий имкониятлари, эксперт-криминалистика хизматининг ички ишлар органлари бошқа хизматлари билан ҳамкорлиги тушунчаси ва ҳуқуқий асослари ёритилган.

ИИБ Академиясининг Олий академик курслари ва кундузги таълим тингловчиларига, шунингдек, ИИО эксперт-криминалистика хизмати ходимларига мўлжалланган.

ББК 67.99 (5У) 94я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2017

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ва жамиятнинг барча соҳаларини тўлиқ қамраб олган ислоҳотларнинг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасида ўзаро тотувликни сақлашга қаратилган. Жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг рўёбга ошиши борасида мамлакатимизда етарли даражада қонунчилик базаси шаклланиб улгурди ва ҳозирда янада такомиллаштирилмоқда. Шу ўринда 1996 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисидаги», 1998 йил 25 декабрда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги, 2000 йил 14 декабрда «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрири), 2001 йил 29 августда «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрири), 2010 йил 1 июнда «Суд экспертиза тўғрисида»ги, 2012 йил 25 декабрда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги ва шу каби бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг инсонпарварлик ғояларини қамраб олганлиги ва ислоҳотларнинг асосий эътибори инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида қаралаётганлиги дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Маълумки, амалга оширилаётган барча ислоҳотлар мамлакатни чинакам ривож, аҳолининг турмуш даражасининг юксалиб бориши, аҳолининг ялпи даромадларининг ўсиши, аҳолининг мулкчилик шаклларига эга бўлиши, давлат бошқарувида фуқаролар фаоллиги, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксалиши, давлат органларининг самарали фаолияти ҳамда бевосита уларнинг фаолиятида жамоатчилик назорати каби кўплаб ижобий кўринишларда намоён бўлмоқда.

Юқоридаги мақсадларга эришишнинг асосий омилларидан бири жамиятда қонунийликни таъминлашдир. Қайд қилинган устувор вазифани бажариш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суднинг асосий функциясини ташкил қилади. Зеро, фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва суд фаолиятида кенг татбиқ этиш ишларнинг юритиш сифатини оширади, жиноят ишига оид далилларни ўз вақтида қўлга киритиш, жиноят содир этган шахсларни тезда аниқлаш ва фош этиш орқали жиноят-процесси вазифаларининг самарали бажарилишини таъминлайди. «Шу маънода, экспертиза бугунги кунда суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда»¹. Турли жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишларда шахс–фуқаро–давлат ва хўжалик фаолиятини юритувчи корхоналарнинг қонуний манфаатларини умумэътироф этилган нормалар асосида ҳимоя қилинишида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, зарур бўлса, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда суд экспертизаси ҳам муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

¹ *Астанов И.Р.* Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш: назария ва амалиёт. Дисс... юрид. фан. номзод. – Т., 2010.

1-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА ХИЗМАТИНИНГ ТИЗИМИ, ТУЗИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маъруза режаси:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизматининг тизими, тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд экспертиза муассасаларининг тизими, тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизматининг тизими, тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларининг Эксперт-криминалистика хизматининг тизими қуйидагича ташкил этилган:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика маркази;

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари негиз эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари (Негиз (таянч) эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари деб – Тошкент шаҳар ИИББ Эксперт-криминалистика маркази, Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ИИБларнинг эксперт-криминалистика бўлимлари белгиланган);

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг (ҚР ИИВ, ИИББ, ИИБ, Транспортда ИИБ)эксперт-криминалистика бўлимлари (маркази);

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органи шаҳар, туман Эксперт-криминалистика бўлинма (гуруҳ)лари;

5. ИИВ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ эксперт-криминалистика Маркази, бўлими қошидаги шахсни идентификациялаш автоматлаштирилган тизими бўлими, бўлинмаси, гуруҳи.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизмати қуйидаги таркибий тузилмалар: *юқори, ўрта ва қуйи* бўғинлардан ташкил топган.

1. Ушбу хизматларнинг юқори бўғини ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика марказининг ташкилий тузилишида қуйидаги таркибий бўлим ва бўлинмалар мавжуд:

– ЭКМ бошлиғининг бевосита раҳбарлиги остида:

1) ташкилий-услубий бўлим;

2) девонхона;

– ЭКМ бошлиғи ўринбосарининг раҳбарлиги остида:

1) криминалистик экспертиза ва ҳисоблар бўлими;

2) криминалистика воситаларини қўллаш ва жорий этиш бўлими;

– ЭКМ бошлиғи ўринбосари – махсус тадқиқотлар бўлимининг, ЭКМга бўйсунувчи бўлинмалар бошлиғининг раҳбарлиги остида:

1) махсус тадқиқотлар бўлими;

2) Шахсни идентификациялаш автоматлаштирилган тизими (ШИАТ – АСИЛ) бўлими.

2. Эксперт-криминалистика хизматининг *ўрта бўғинига* Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари негиз эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари (Тошкент шаҳар ИИББ Эксперт-криминалистика маркази, Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ИИБларнинг эксперт-криминалистика бўлимлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг (ҚР ИИБ, ИИББ, ИИБ, Транспортда ИИБ) эксперт-криминалистика бўлимлари (маркази)-лари киради.

Ушбу ўрта бўғин Эксперт-криминалистика хизматининг ташкилий тузилиши:

– Ташкилий-услубий бўлим ва бўлинмалар;

– Девонхона;

– Криминалистик экспертизалар бўлим ва бўлинмалари;

– Криминалистик ҳисобларни юритиш бўлинмалари;

– Криминалистика воситаларини қўллаш ва жорий этиш гуруҳлари (инспектори);

– Махсус тадқиқотлар бўлим ва бўлинмалари;

– Шахсни идентификациялаш автоматлаштирилган тизими (ШИАТ – АСИЛ) бўлим ва бўлинмалари.

3. Эксперт-криминалистика хизматининг *қуйи бўғинига* Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органи шаҳар, туман Эксперт-криминалистика бўлинма (гуруҳ)лари киради. Ушбу қуйи бўғин Эксперт-криминалистика хизматининг ташкилий тузилиши:

– ташкилий-услубий бўлим ва бўлинмалар;

– девонхона;

– криминалистик экспертизалар бўлим ва бўлинмалари

– криминалистик ҳисобларни юритиш бўлинмалари;

- криминалистика воситаларини қўллаш ва жорий этиш гуруҳлари (инспектори);
- махсус тадқиқотлар бўлим ва бўлинмалари;
- Шахсни идентификациялаш автоматлаштирилган тизими (ШИАТ – АСИЛ) бўлим ва бўлинмалари.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимдаги эксперт-криминалистика хизмати қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз фаолиятини олиб боради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари:
 - Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси;
 - Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:
 - Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни;
 - Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни;
 - Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни;
 - Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни;
 - Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида» 2012 йил 25 декабрдаги Қонуни ва бошқалар.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор, Фармон ва Фармойишлари:
 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори;
 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони;
 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари:
– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд экспертизалари муаммолари бўйича Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ҳақида»ги Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат суд эксперти сифатида аттестация ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлигини мажбурий давлат суғуртаси тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «давлат суд экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот, корхона ва муассасаларда суд экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруқлари:

– Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тергов ишини ташкил қилиш тўғрисида»ги буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Тергов фаолиятини ташкил этишда шахсий таркиб билан ишлаш бўйича айрим масалалар тўғрисида»ги буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик бўлинмаларини фаолиятини самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғи ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд экспертиза муассасаларининг тизими, тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза марказига, 1950 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент илмий-тадқиқот криминалистик лабораторияси яратилиши билан асос солинган ҳамда ушбу лаборатория ўз фаолиятини 1951 йил 1 июндан бошлаган. Ушбу лабораториянинг биринчи раҳбари тажрибали криминалист Миновар Умаров эди. 1953-1956 йилларда лабораторияни Вали Умарович Умаров бошқарган.

1958 йил 1 апрелда академик Х.Сулайманованинг ташаббуси билан ушбу лаборатория негизда Тошкент илмий-тадқиқот суд экспертиза институти ташкил этилган. Ушбу институтнинг биринчи раҳбари Вали Умарович Умаров эди. Сўнг институтни узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Борис Ильич Пинхасов бошқарган.

Ўз таркибида дастлаб 29 ходимга эга бўлган институт кейинчалик техник базасини мустаҳкамлади, янги турдаги экспертизаларни ўтказишга асос солинди ҳамда Республика минтақаларида махсус бўлимлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач суд-экспертилик фаолиятини такомиллаштириш, илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш ва одил судловни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 22 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги экспертиза хизматини ривожлантириш тўғриси»даги Қарори билан, Тошкент илмий-тадқиқот суд экспертиза институти Республика илмий-тадқиқот криминалистика марказига айлантирилди.

2013 йилда эса ушбу марказ Республика суд экспертиза маркази деб қайта номланди ва шу билан бирга марказга Ўзбекистон Республикасида суд экспертизалари бўйича илмий-методик ва мувофиқлаштирувчи орган мақоми берилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза марказининг тузилиши:

1. Раҳбарият:

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза маркази директори;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза маркази директорининг ўринбосари;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза маркази Илмий котиби;

– назорат-методик бўлими;

2. Бош лабораториялар:

– ҳужжатларнинг криминалистик экспертизаси лабораторияси;

– суд-фоноскопик экспертизаси лабораторияси;

- суд баллистика ва трасологик экспертизалари лабораторияси;
- материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг кимёвий экспертизаси лабораторияси;
- суд-автотехник экспертизаси лабораторияси;
- одам ДНКси экспертизаси лабораторияси;
- суд-иқтисодий экспертизаси лабораторияси(бўлими);
- суд-курилиш-техник экспертизаси лабораторияси (бўлими);

3. Маъмурий бўлимлар:

- канцелярия;
- кутубхона;
- архив;
- кадрлар бўлими;
- бухгалтерлик ҳисоби ва назорат бўлими;
- марказлашган таъминоти бўлими;

4. Минтақавий бўлинмалар:

- Самарқанд вилоятлараро (Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари учун) бўлинма;
- Фарғона вилоятлараро (Фарғона ва Наманган вилоятлари учун) бўлинма;
- Сирдарё вилоятлараро (Сирдарё, Жиззах вилоятлари учун) бўлинма;
- Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси;
- Қашқадарё вилоятлараро (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари учун) бўлинмаси;
- Андижон вилояти бўлинмаси;
- Хоразм вилояти бўлинмаси.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза марказининг тизими:

Ҳозирги кунда марказнинг бош лабораториялари ва асосий бўлимлари, шунингдек вилоятлар бўлинмаларида 54 та турдаги экспертиза ихтисослиги бўйича тадқиқотлар олиб борилади, кенг кўламли муаммолар бўйича илмий изланишлар ва профилактик ишлар фаол ўтказилади. Мунтазам равишда экспертиза хизматининг ташкилий такомиллаштириш ҳамда суд экспертизаларининг имкониятларини янада юксалтиришга қаратилган ишлар олиб борилади.

Республика суд экспертиза марказида, суд экспертиза хизмати фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш олиб борилади. Ташкилий тузилиши (структураси)нинг ўзгариши, шу-

нингдек юклатилган қўшимча вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Марказнинг Низоми янги тахрирда тайёрланган ва тасдиқланган.

Марказнинг минтақавий бўлинмаларининг Низом ва ташкилий тузилиши (структураси) жойларда махсус билимлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб қайта ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза маркази қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз фаолиятини олиб боради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

2. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари:

– Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси;

– Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

– Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни.

– Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни.

– Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни.

– Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни.

– Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида» 2012 йил 25 декабрь Қонуни ва бошқалар;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор, Фармон ва Фармойишлари:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд экспертизалари муаммолари бўйича Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ҳақида»ги Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат суд эксперти сифатида аттестация ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлигини мажбурий давлат суғуртаси тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «давлат суд экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот, корхона ва муассасаларда суд экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертиза маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида»ги Қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг буйруқлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари:

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларида суд экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома;

– Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертиза маркази ҳақидаги Низом;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Суд экспертиза маркази минтақавий бўлинмаларининг хизмат кўрсатиш ҳудудларини аниқлаш ҳақида»ги буйруғи ва бошқалар.

2-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Маърузанинг режаси:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт-криминалистика хизматининг асосий вазифалари.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт-криминалистика хизматининг ташкилий-услубий ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти масалалари бўйича функциялари.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт-криминалистика хизматининг жиноятчиликка қарши курашнинг техник-криминалистик таъминоти бўйича функциялари.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт-криминалистика хизматининг кадрлар билан ишлаш ҳамда илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмалари масалалари бўйича функциялари.

Ўзбекистон Республикаси иив Эксперт-криминалистика хизматининг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт-криминалистика хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Барча даражалардаги Эксперт-криминалистика хизматининг асосий вазифаси тезкор ва жиноий ишлар бўйича жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ва тергов қилишнинг техник-криминалистик юритилиши давомида тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини илмий-техник воситалар ва усуллар билан таъминлашдир.

Эксперт-криминалистика хизмати фаолиятидаги асосий вазифанинг амалга оширилиши унга бўйсунувчи қуйидаги вазифалар мажмуи асосида амалга оширилади:

– эксперт-криминалистика хизмати ва унинг қуйи бўлинмалари кучлари ва воситаларини бошқариш юзасидан ташкилий-услубий ва назорат-кураторлик тадбирларини амалга ошириш;

– эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш ёки унда иштирок этиш;

– эксперт-криминалистика хизмати кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, юқори малакали ўзагини ҳамда тегишли маънавий-иш фазилатларини шакллантириш мақсадида уларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга оид чоралар мажмуини амалга ошириш;

– эксперт-криминалистика хизмати моддий-техник таъминотини Ўзбекистон Республикаси ИИВ молиялаштирувчи ва таъминловчи хизматлари билан ўзаро фаолиятда ташкил этиш, санитария-ишлаб чиқариш меъёрларининг талабларига мувофиқ иш меҳнат шароитларини яхшилашга ёрдам кўрсатиш;

– илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни ташкил этиш ва ўтказиш, ишнинг илғор шакллари ва усулларини умумлаштириш, таҳлил этиш ва тарқатиш, рационализаторлик ва кашфиётчилик фаолиятини ташкил этиш ва унга ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизматининг ташкилий-услубий ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти масалалари бўйича функциялари

Эксперт-криминалистика хизматининг ташкилий-услубий фаолият масалалари бўйича функциялари:

– Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидан, шунингдек бошқа вазирликлар ва идоралардан келиб тушаётган, республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика хизматида дахлдор ҳужжатларни ва материалларни ўрганиш ва жавоб бериш ҳужжатларини тайёрлаш;

– ўз қуйи бўлинмалари фаолиятини минтақавий ва йўналишли кураторлигини амалга ошириш;

– республика ички ишлар идораларининг тезкор-хизмат фаолиятини эксперт-криминалистика хизмати йўналиши бўйича инспекторлик ва назорат текширувларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси ИИВ МИБ билан биргаликда республика ички ишлар идораларининг назорат-тафтиш текширувларида иштирок этиш;

– ҳам эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари, ҳам Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг бошқа аппаратларининг ташаббусига кўра жиноятчиликка қарши курашнинг техник-криминалистик таъминоти билан боғлиқ айрим масалаларни ўрганишда манфаатдор хизматлар билан биргаликда иштирок этиш;

– қуйи ЭКБларнинг ҳисобот даври учун иш натижаларини умумлаштириш, ўз қуйи бўлинмаларидан керакли маълумотларни олиш;

– ички ишлар идоралари раҳбариятининг экспертлик хизматининг фаолиятига оид буйруқлари, режали тадбирлари, фармойишлари ва кўрсатмаларини бажариш ёки бажарилишини ташкил этиш;

– бўйсунувчи бўлинмаларнинг тезкор-хизмат фаолиятининг ҳолатини таҳлил қилиш асосида ЭКББ ишини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси ИИБ коллегиясида, идоранинг раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш учун, идоранинг асосий тадбирлари режасига ёки бошқа мақсадли режаларга киритиш учун тайёрлаш;

– ЭКББнинг муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш, уларнинг тўлиқ ҳажмида ва белгиланган муддатларда бажарилиши устидан назорат қилиш;

– ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ва бўлинмаларининг йўналишлари бўйича эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари ваколатлари қисмида ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

– экспертлик фаолиятини унинг барча йўналишлари бўйича такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИБ аппаратлари, республика ички ишлар идоралари, бошқа вазирликлари ва идораларининг экспертлик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг илмий-амалий муассасалари ва ташкилотлари, ўқув юртлари билан ўзаро фаолиятни амалга ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ қуйи эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмаларига ташкилий-услубий масалалар бўйича ёрдам кўрсатиш.

Эксперт-криминалистика хизматининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти масалалари бўйича функциялари:

– республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика хизматининг тезкор-хизмат фаолиятини ва хизматнинг ишини тартибга солувчи амалдаги меъёрий базани таҳлил қилиш асосида унинг янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалдаги буйруқлар, қўлланмалар, йўриқномалар, низомлар ва бошқаларни қайта ишлаш ёки бекор қилиш зарур бўлган фаолияти йўналишларининг рўйхатини аниқлаш;

– бошқа давлатларнинг эксперт-криминалистика хизматлари (ёки шунга ўхшаш тузилмалари) фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-услубий ҳужжатларни ўрганиш;

– эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари йўналиши бўйича меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни тегишли инстанцияларга экспертиза қилишга, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси ИИВ манфаатдор аппаратлари ва бошқа вазирликлар ва идоралар билан (зарур ҳолларда) келишиш учун юбориш. Зарур ҳолларда ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун манфаатдор хизматлар, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмаларининг ваколатли мутахассислари жалб этилади, бошқа турдош муассасаларнинг мутахассислари билан маслаҳатлашади;

– Ўзбекистон Республикаси ИИВ бошқа хизматлари йўналиши бўйича меъёрий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари фаолиятига дахлдор қисмида ишлаб чиқишда ёки тақриз ёзишда иштирок этиш;

– Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларини хизмат ваколатлари қисмида ишлаб чиқишда ёки тақриз ёзишда иштирок этиш;

– республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмаларига меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизматининг жинойтчиликка қарши курашнинг техник-криминалистик таъминоти бўйича функциялари

Эксперт-криминалистика хизматининг жинойтчиликка қарши курашнинг техник-криминалистик таъминоти бўйича функциялари:

Ашёвий далилларнинг экспертизалари ва тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича:

– республика ички ишлар идораларининг манфаатдор хизматлари ва бўлинмалари билан биргаликда тезкор-тергов амалиётининг муайян ашёвий далилларнинг экспертлик тадқиқотига эҳтиёжларини ўрганиш, шу асосда янги экспертиза турларини ташкил этиш, мавжудларини қайта ташкил этиш зарурлигини, бунинг учун зарур бўлган моддий-техник воситалар ва ихтисослашган мутахассис-экспертлар сонини аниқлаш;

– криминалистик экспертиза лабораторияларини тегишли моддий-техник воситалар, махсус услубий адабиётлар ва ахборот-

маълумот материаллари билан таъминлашни, эксперт кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига ашёвий далилларнинг экспертлик тадқиқотининг тўлиқлиги ва самарадорлигини ошириш, янги экспертиза турларини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

– экспертлик хулосаларига тақриз ёзиш, экспертларнинг одадий хатолари бўйича шарҳларни тайёрлаш, хатоларга йўл қўйган экспертларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ёки экспертни мазкур экспертиза турини мустақил бажариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш;

– ўз негизида ёки Негиз (таянч) эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмаларида ва ички ишлар идораларининг ўқув юртларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг турдош муассасаларида эксперт-криминалистларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёргарлигини, жумладан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМ етакчи экспертлар иштирокида ташкил этиш;

– Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг турдош (родственн) эксперт-криминалистика (ёки шунга ўхшаш) тузилмалари билан экспертлик тадқиқотларини бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича ўзаро фаолиятни, бундай ўзаро фаолиятнинг қабул қилинган меъёрлари ва тартибига мувофиқ ташкил этиш (шартномалар, битимлар, томонларнинг ўзаро келишуви ва бошқалар);

– ўз қуйи тузилмаларига экспертлик тадқиқотларини ташкил этиш, экспертизаларнинг мураккаб турларини, жумладан жойига чиқиш билан бажаришда ёрдам кўрсатиш, шунингдек экспертлик тадқиқотларининг муайян турлари бўйича йўналишли назоратни амалга ошириш;

– тезкор-тергов ва экспертлик амалиётларининг эҳтиёжлари асосида экспертлик тадқиқотларини бажариш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш, айти шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг турдош муассасалари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Ўзбекистон Республикаси ўқув ва илмий-амалий муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро фаолият юритиш;

– бошқа давлатларнинг эксперт-криминалистика тузилмаларига уларнинг экспертлик кадрларининг малакасини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг иш тажрибасини қабул қилинган меъёрлар асосида белгиланган тартибга мувофиқ ўрганиш;

– ашёвий далилларнинг экспертлик тадқиқоти масалалари бўйича ўқув семинарлари ва анжуманларини ташкил этиш ва ўтказиш, шу каби йиғилишлар, семинарлар ва шу кабиларда уларнинг ташкилотчиларининг таклифига кўра иштирок этиш;

Эксперт-криминалистика хизматининг криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни ташкил этиш ва юритиш бўйича функциялари:

– тезкор-тергов ва экспертлик амалиётларининг эҳтиёжларини таҳлил қилиш асосида республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмаларининг барча даражалари учун эксперт-криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни ташкил этиш заруратини аниқлаш, уларнинг ишлаши учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, керакли моддий-техник базани аниқлаш;

– республика марказлаштирилган эксперт-криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни: очилмаган жиноятлар воқеа жойларда олинган ўқлар, гильзалар ва патронлар; қалбаки қоғоз ва металл пуллар; полиграфия воситалари ёрдамида тайёрланган қалбаки ҳужжатлар; наркотик воситалар ва психотроп моддалар; ўқотар, пневматик, совуқ қурол; портлаш-техник ва пиротехник буюмлар; дактилоскопик ва бошқа керакли ҳисоблар, картотекалар ва натурали коллекцияларни юритиш;

– чет эл давлатларида бундай ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни юритиш бўйича иш тажрибасини ўрганиш;

– республика ички ишлар идораларининг манфаатдор хизматлари ва бўлинмалари учун маълумот хатлари, шарҳлар, йўналтирувчи ахборотларни тайёрлаш;

– бошқа давлатларнинг ўхшаш ҳисоблари, картотекалари ва коллекциялари билан белгиланган тартибда ўзаро фаолият юритиш;

– бундай ҳисоблар, картотекалар ва коллекциялар билан ишлайдиган эксперт кадрларини, бошқа манфаатдор хизматлар ва бўлинмаларнинг ходимларини ўқитиш;

– республика ички ишлар идораларининг манфаатдор хизматлари ва бўлинмалари билан ўзаро фаолият асосида ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни тайёрлаш;

– ўз қуйи тузилмаларига ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни ташкил этиш ва ишлаши бўйича ёрдам кўрсатиш.

Эксперт-криминалистика хизматининг бошқа тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини таъминлаш бўйича функциялари:

– тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини илмий-техник воситалар ва усуллар билан таъминлаш жиҳатидан тезкор-тергов амалиётини таҳлил қилиш, унинг асосида республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари томонидан бу ишни такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқиш;

– тергов бўлинмалари ва тезкор хизматлар билан эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари мутахассисларининг тезкор-тергов тадбирларда иштирок этишининг якуний натижасини ошириш мақсадида ўзаро фаолият юритиш;

– республика ички ишлар идораларида ва чет эл давлатларининг шунга ўхшаш тузилмаларида бундай ишлашнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва уни экспертлик амалиётига жорий этишга оид тавсияларни тайёрлаш;

– ушбу ишни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш;

– тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларида бевосита иштирок этиш;

– ўз қуйи тузилмаларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан ўқитиш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизматининг кадрлар билан ишлаш ҳамда илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмалари масалалари бўйича функциялари

Эксперт-криминалистика хизматининг кадрлар билан ишлаш бўйича функциялари:

– республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари эксперт кадрларининг ҳолатини барча кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилиш;

– Ўзбекистон Республикаси ИИВ манфаатдор аппаратлари билан биргаликда республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари кадрлар аппаратини такомиллаштиришга, шу жумладан таркибий қайта ташкил этиш, ўқитиш, тегишли малакали кадрларга эҳтиёжга оид таклифларни ишлаб

чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш;

– ИИБ ИИББ ИИБ Транспорт ИИБ ШТБИХ билан биргаликда республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, бошланғич тайёргарлиги, жанговар ва хизмат тайёргарлиги тизимида ўқитиш, бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ, республика ички ишлар идораларининг негиз (таянч) эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси ва чет эл давлатларининг турдош экспертлик ва илмий-ўқув муассасалари, Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимининг Академияси ва бошқа ўқув юртлари имкониятларини жалб этиш;

– экспертлик амалиётининг долзарб муаммолари бўйича семинар-йиғилишларни ташкил этиш ва ўтказиш;

– шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси ва чет эл давлатларининг турдош экспертлик муассасалари билан ўзаро фаолият юритиш;

– ўз негизда ёки республика ички ишлар идораларининг бошқа эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмаларида ўқитишнинг ташаббускори бўлган давлат билан ўрнатилган ўзаро муносабатларнинг тартибига мувофиқ бошқа давлатлар экспертлик бўлинмаларининг ходимларини ўқитишни ташкил этиш.

Эксперт-криминалистика хизматининг хизматнинг моддий-техник таъминоти масалалари бўйича функциялари:

– республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари ва Марказнинг иш ҳажмлари ва йўналишига мувофиқ моддий-техник таъминланганлиги ва иш жойларининг ҳолатини таҳлил қилиш;

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига хизматни керакли воситалар билан таъминлаш юзасидан таклифларни тайёрлаш;

– эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмаларини жиҳозлаш учун моддий-техник воситалар учун буюртмаларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ МТТБ га юбориш;

– республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари иш жойларини санитария-техник меъёрларнинг талабларига мувофиқ яхшилашга ёрдам кўрсатиш;

– умуман хизматни керакли воситалар билан жиҳозлаш мақсадида савдо қилувчи ташкилотлар, фирмалар ва ҳоказолар билан ўзаро фаолият, уларни сотиб олиш учун контрактлар ва шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– республика ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари учун моддий-техник воситалар учун белгиланиб берилиши табелларини ва меъёрларини ишлаб чиқиш;

– молиявий-иқтисодий бўлинмалар билан биргаликда республика ички ишлар идораларининг назорат-тафтиш текширувларида ваколатлари доирасида моддий-техник воситаларнинг ҳисоби, сақланиши, ҳисобдан чиқариш қоидаларига амал қилиш ва ишлатилиши самарадорлигини ўрганиш қисмида иштирок этиш;

– ЭКБ қуролланишида бўлган техниканинг техник ишлатилиши, метрологияси ва таъмирланиши тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

Эксперт-криминалистика хизматининг илмий-тадқиқот ишларининг масалалари бўйича функциялари:

– тезкор-тергов ва экспертлик амалиётининг янги услубиётлар, дастурий тизимлар, махсус дастурлар ва бошқа материаллар ва воситаларни ишлаб чиқишга эҳтиёжларини таҳлил қилиш, илмий-тадқиқот ишларининг ижрочиларини аниқлаш;

– Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг турдош экспертлик ва ёки шунга ўхшаш тузилмаларида бундай иш тажрибасини ўрганиш ва улар билан биргаликдаги ишларни, илмий-амалий анжуманлар, семинарлар ва шу кабиларни ўтказишда ўзаро фаолият юритиш;

– Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизими манфаатларида илмий-амалий институтлар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро фаолият юритиш;

– Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти танлаган мавзулар бўйича бевосита илмий-тадқиқот ишларини бажариш. Зарур ҳолларда бу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва бошқа хизматлари ва бўлинмаларининг ходимларини, бошқа вазирликлар, идоралар, муассасалар, ташкилотлар ва шу кабиларнинг илмий-амалий ходимларини, жумладан бундай ишларни улушли асосда ўтказиш учун жалб қилиш;

– экспертлик амалиётининг долзарб муаммолари бўйича илмий-амалий семинарларни ташкил этиш ва ўтказиш;

– ўз хизмати йўналиши бўйича рационализаторлик ва кашфиётчилик фаолиятини ташкил этишда иштирок этиш ва унга ёрдам кўрсатиш.

3-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА ХИЗМАТИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ

Маърузанинг режаси:

1. Ички ишлар органлари эксперт-криминалистика хизматининг ишини ташкил этиш асослари ва режалаштириш.
2. Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларининг жиноятларни содир этишга кўмаклашувчи шароитларни аниқлаш ва бар-тараф этишда иштирок этиши (профилактик ишлар).

Ички ишлар органлари эксперт-криминалистика хизматининг ишини ташкил этиш асослари ва режалаштириш

Эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмаларининг иши Ўзбекистон Республикаси ИИБ томонидан белгиланган тартибда режалаштирилади.

ЭКБ иш режалари фаолиятнинг қуйидаги асосий йўналишларини (бобларни) кўзда тутиши лозим:

- ташкилий-услубий масалалар;
- тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларининг техник-криминалистик таъминоти;
- кадрлар билан ишлаш масалалари;
- моддий-техник таъминот, иш жойларини такомиллаштириш масалалари.

Режаларни ишлаб чиқиш асослари қуйидагилардир:

- тезкор-хизмат фаолиятини таҳлил қилиш, жиноятчиликка қарши курашнинг техник-криминалистик таъминоти бўйича салбий ҳолатлар ва нуқсонларни аниқлаш;
- бошқа хизматлар ва бўлинмалар иштирокида меъёрий ҳужжатларни режа асосида тайёрлаш;
- режали ва режадан ташқари текширувлар, кураторлик (минтақавий ва чизиқли), (амалий ва ташкилий-услубий) ёрдам кўрсатиш;
- ЭКБ ва бошқа хизматлар ва бўлинмалар учун хизмат фаолиятининг йўналишлари бўйича маълумот услубий материалларини тайёрлаш зарурияти;
- кадрлар масалаларини ҳал этиш зарурлиги (ўқитиш, малака ошириш, қайта тайёрлаш, семинарларни ўтказиш, таркибий-штат масалалари ва ҳоказолар);

- моддий-техник таъминотининг жорий масалалари;
- илмий-тадқиқот ёки конструкторлик, кашфиётчилик ёки рационализаторлик ишларини ўтказиш имконияти ва зарурлиги;
- умуман идора бўйича буйруқ ҳужжатларини ва режали тадбирларни, бошқа хизматлар ва бўлинмаларнинг ЭКБ фаолияти билан боғлиқ бўлган тадбирларини бажариш зарурияти.

Жорий лавозим мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган тадбирлар режалаштирилмайди.

Режалаштирилган тадбирларнинг бажарилиши учун ЭКББ раҳбари жавобгар бўлади. Режанинг ҳар бир бандининг бажарилиши тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

Эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари уларга юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларга, ташкилотларга ва корхоналарга қуйидаги мақсадларда ёрдам учун мурожаат қилиши мумкин:

- экспертизалар ва тадқиқотларни бажариш, аппаратура ва асбоблардан фойдаланиш давомида маслаҳатлар олиш учун мутахассисларни жалб қилиш;
- ЭКБ ходимларининг малакасини ошириш (стажировка ўтказиш);
- ашёвий далилларни аниқлаш, мустаҳкамлаш ва тадқиқ этишнинг усулларини, янги воситалари ва усулларини биргаликда такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш;
- ахборот-услубий материалларини тайёрлаш.

**Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларининг
жиноятларни содир этишга кўмаклашувчи шароитларни
аниқлаш ва бартараф этишда иштирок этиши
(профилактик ишлар)**

Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари профилактик ишларининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

Экспертизаларни бажариш, тергов ҳаракатларида иштирок этиш, тезкор-қидирув бўлинмаларининг топшириқлари бўйича криминалистик воситалар ва усулларни қўллашни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида жиноятларни содир этишга кўмаклашувчи шароитларни аниқлаш.

Жиноятчиларнинг техника воситаларидан фойдаланиши ҳамда моддий воситалар ва пулларни, жинойий тажовузларнинг бошқа

объектларини сақлаш жойларининг конструктив камчиликларини ҳисобга олган ҳолда содир этишнинг эҳтимолий усулларини аниқлаш;

Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг мансабдор шахсларини ҳужжатлар, қимматли қоғозларни қалбакилаштириш, пломбаларни, ёпувчи мосламаларни очиш ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган жиноий қилмишларни фактларини аниқлаш усулларига ўргатиш.

Айрим шахсларнинг ҳуқуққа қарши хулқини, хўжасизлик ҳолатларини мустаҳкамлаш ва намойиш этиш учун криминалистик воситаларни қўллаш лозим бўлганда ички ишлар идораларининг бошқа хизматларининг профилактик тадбирларида иштирок этиш.

Жиноятларни содир этишга кўмаклашувчи шароитлар экспертларни бажаришда ҳам экспертизани тайинлаган шахс ёки идоранинг топшириғига кўра, ҳам экспертнинг ташаббусига кўра аниқланиши лозим. Таклифлар ёзма шаклда расмийлаштирилади ва ЭКХ раҳбариятига моҳиятига кўра қарор қабул қилиш учун берилади.

Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимларининг экспертларни бажариш ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида тергов ҳаракатларида иштирок этиши амалиётининг таҳлили ва умумлаштирилиши қуйидагилар бўйича ўтказилади:

Тадқиқот объектлари (ашёвий далиллар турлари) – ҳимояси яхшиланган, ишончлилигини оширилган объектларининг доирасини аниқлаш мақсадида.

Жиноятларни содир этиш усуллари – уларни ўрганиш ва ўхшаш усуллар билан янги жиноятларни содир этишни инкор этадиган ёки қийинлаштирадиган, шунингдек бундай жиноятларни фош этиш имкониятини оширадиган воситаларни ишлаб чиқиш мақсадида.

Айрим халқ хўжалик объектлари, халқ хўжалиги соҳалари – халқ хўжалигининг айрим соҳаларида жиноятларни содир этишга кўмаклашувчи шароитлари бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш учун.

Жиноятлар турлари - маълум жиноятлар турларини олдини олиш учун муҳим бўлган тавсияларни ишлаб чиқиш учун.

Умумлаштириш натижалари манфаатдор ташкилотларга таклифларни тузишда, шарҳлар, мақолалар, маърузалар, услубий қўлланмаларда, мансабдор шахсларнинг айрим тоифалари билан маърузалар ва амалий машғулотларни ўтказишда қўлланади.

Экспертлик амалиётининг материалларни умумлаштириш натижалари бўйича эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари манфаатдор хизматлар билан биргаликда жиноятларни содир этишга кўмаклашувчи шароитларни бартараф этиш таклифларини ишлаб

чиқади. Бунда таклиф этиладиган чоралар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- фактик материалга асосланиши, зарур бўлганда тажрибавий тадқиқотлар билан тасдиқланиши;

- иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлиши, илм-фан ва техника ривожланишининг ушбу даражасида амалий бажариладиган бўлиши;

- амал қилувчи, лекин бажарилмайдиган меъёрий ҳужжатлар (қоидалар, йўриқномалар, ГОСТлар, техник шартлар ва ҳоказолар) талабларини қайтармаслиги;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз бўлиши.

Таклифларни тузишда жинойтларни содир этишга кўмаклашувчи аниқланган шароитлар ҳақида батафсил маълумот, тавсия этилган чораларнинг асослантирилиши берилади. Зарур ҳолларда схемалар, чизмалар, фотосуратлар илова қилинади.

Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари раҳбари имзолаган таклифлар ИИБ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ раҳбариятига, давлат кўламида қарор қабул қилишни талаб этувчи таклифлар эса Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКМ га тақдим этилади.

4-мавзу. ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА ХИЗМАТИДА ТИЗИМЛАРИДА НОМЗОДЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБНИ ЎҚИТИШ ТАРТИБИ

Маърузанинг режаси:

1. Эксперт-криминалистика хизматида эксперт-кадрларни танлаш ва ўқитиш.
2. Эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг Ички ишлар органлари ходимларини ўқитишда иштирок этиш тартиби.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Экспертлик-малакавий комиссиясининг фаолияти.

Эксперт-криминалистика хизматида эксперт-кадрларни танлаш ва ўқитиш

Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимларини танлаш ва ўқитиш:

ИИВ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ катта экспертларининг лавозимларига ихтисослашишнинг тасдиқланган рўйхатига мувофиқ, олий маълумотга ва эксперт тайёргарлигига эга бўлган шахслар қўйилади. ИИВ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ экспертлари, ички ишлар шаҳар-туман-линияли идораларининг катта экспертлари лавозимларига олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган, шахслар қўйилади, эксперт тайёргарлигига эга бўлган шахсларга афзаллик берилади.

Истисно тариқасида катта экспертлар ва экспертлар лавозимларига эксперт тайёргарлигисиз олий ёки ўрта махсус маълумотли шахслар тайинланиши мумкин. Бу ҳолларда улар икки йил ичида ярим йиллик ихтисосли тайёргарликдан ўтиши ва белгиланган тартибда камида битта экспертиза турини бажариш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Бўш экспертлик лавозимларига номзодларни танлашда қуйидагиларга афзаллик берилади:

- анъанавий криминалистик экспертизалар турларини бажарувчи экспертлар учун: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалистик экспертизалар кафедрасининг, бошқа давлатларнинг ўхшаш кафедралари ва факультетларининг битирувчилари, республиканинг турдош экспертлик муассасаларидан бундай иш тажрибасига эга бўлган шахслар, физиклар, кимёгарлар, қурол бўйича мутахассислар, филологлар;

- махсус экспертиза турларини бажарувчи экспертлар учун экспертизаларнинг мазкур тури бўйича махсус ихтисослаштирилган маълумотли шахслар танланади: физикавий-кимёвий лабораториялар учун – физиклар, кимёгарлар, фармацевтлар, биологлар, биокимёгарлар, биофизиклар, руда материаллари бўйича, минерал ашёлар, пластмассалар, керамика, қоғоз, текстиль, лак-бўёқ, нефт-кимёвий маҳсулотлар бўйича ва ҳоказолар бўйича мутахассислар; озиқ-овқат лабораториялари учун - озиқ-овқат маҳсулотларини ва озуқа хом ашёсини қайта ишлаш технологлари, кимёгарлар, биологлар; автотехник лаборатория учун – транспорт воситалар бўйича мутахассислар; фоновидеоскопик лаборатория учун – компьютер технологиялари бўйича мутахассислар (дастурчилар, фойдаланувчилар), аудио ва видеотехника ва ёзув соҳасидаги мутахассислар, лингвистлар; қурилиш-техника лабораторияси учун – қурувчи муҳандислар, лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича, қурилиш технологиялари бўйича мутахассислар; электротехника лабораториялари учун – электроника, электротехника, радиотехника соҳасидаги мутахассислар; суд-бухгалтерлик лабораторияси учун – бухгалтерлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, аудиторлар; компьютер технологиялари лабораторияси учун – дастурчилар, компьютер технологиялари процессорлар, электроника бўйича мутахассислар; ДНК-лабораторияси учун – генетика ва генетик таҳлил, инженерлик соҳасидаги мутахассислар.

Экспертизаларни бажариш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ИИВ Экспертлик-малакавий комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМ тўғрисидаги Низомга мувофиқ берилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Экспертлик-малакавий комиссияси эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларида бажариладиган экспертизаларнинг барча турларини бажариш ҳуқуқини ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларининг экспертлик ёки раҳбарлик лавозимларига тайинланган, стажировкадан ўтган ва кўзда тутилган тартибда имтиҳон топширган шахсларга беради.

Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимларини ўқитиш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ички ишлар идораларининг оддий аскар ва бошлиқ шахсий таркибининг касбий тайёргарлиги бўйича меъёрий ҳужжатларининг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Катта экспертлар (экспертлар) лавозимларига тайинланган, бундай тайёргарлик ёки эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларида

амалий ишлаш тажрибасига эга бўлмаган шахслар мажбурий тартибда экспертлик ёки бошланғич тайёргарликдан ўтадилар. У:

- хизмат жойида бевосита бошлиғи ёки мураббийнинг раҳбарлиги остида мустақил ўқиш йўли билан;

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМ да ёки рўйхати Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан тасдиқланадиган негиз эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларида амалга оширилади.

Малака ошириш ашёвий далилларни тадқиқот қилишнинг янги услубиётларини ўзлаштириш ёки экспертизаларинг бошқа турларини бажариш ҳуқуқини олиш учун ташкил этилади.

Ўқув юртларида йиғимлар ҳамда стажировкалардан ўтиш юзасидан буюртмалар юқори турувчи эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари раҳбарларига юборилади.

Эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг ички ишлар органлари ходимларини ўқитишда иштирок этиш тартиби

Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимлари ички ишлар идоралари ходимларининг техник-криминалистик тайёргарлиги даражасини ошириш мақсадида уларни ўқитишда иштирок этадилар. Машғулотлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ услубий тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган мавзулар бўйича ўтказилади. Шу мақсадларда ички ишлар идорасининг раҳбарияти томонидан тасдиқланган режалар бўйича тезкор-қидирув ва тергов бўлинмалари ходимларининг қисқа муддатли (3-5 кунлик) амалий стажировкалари ўтказилади.

Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларининг имкониятларига қараб гуруҳли ёки индивидуал стажировкалар ўтказилиши мумкин.

Ўқитишнинг асосий шакли криминалистик воситалар ва услуларни қўллашнинг амалий вазиятига яқинлаштирилган шароитларда амалий машғулотлар бўлади.

Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимларидан ташқари машғулотларни ўтказишга бошқа вазирликлар, идораларнинг мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Юқорида таъкидланган вазифа ва функцияларни самарали амалга ошириш мақсадида ИИВ Эксперт-криминалистика маркази раҳбарияти ва етакчи мутахассислари қуйи тизимлар (Ўзбекистон

Республикаси ички ишлар органлари базавий эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари; ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлимлари (маркази) ва шаҳар, туман ИИБ Эксперт-криминалистика бўлинма (гуруҳ)лари)нинг иш фаолиятини мунтазам равишда ўрганиб ҳамда таҳлил қилиб борадилар.

Ушбу таҳлиллар натижасида Эксперт-криминалистика хизматининг қуйи тизимлари фаолиятидаги шахсий таркиб билан ишлаш, кадрлар захирасини яратиш ва штат бирликларини жамлаш бўйича қуйидаги камчиликлар кузатилган:

– ўрта ва қуйи тизимларнинг шахсий таркиби иш фаолияти ўрганилганда, ходимларни эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган хизмат вазифалари умуман тўғри келмаслиги аниқланди. Масалан, «АДТТ СОНДА» тизимида фаолият олиб бориши лозим бўлган бўлинма бошлиғи лавозимида кимёвий экспертиза ўтказадиган ходим хизмат қилади, махсус тадқиқотлар бўлими ходимлари эса криминалистик экспертизалар бажариш билан шуғулланади ва х.к. Мазкур гуруҳларда хизмат вазифасига умуман тўғри келмайдиган ёки ушбу ваколатга эга бўлмаган ходимлар фаолият кўрсатмоқда;

– ўрта ва қуйи тизимларда шахсий таркибни тарбиялаш, яқка тартибдаги тарбиявий суҳбатлар ўтказилишининг сустлиги.

– АДТИТ (СОНДА) тизимидан самарали фойдаланиш мақсадида мазкур тизимдан фойдаланиш қоидаларини пухта эгаллаган ходимлар администратор ёки оператор сифатида бириктирилмаган;

– ҳудудда содир этилиб очилмай қолган жиноят жойларидан олинган бармоқ излари бўйича чуқур таҳлил ўтказиб, олинган бармоқ излари аниқ ҳисобини чиқарилмаслиги ҳамда АДТИТ (СОНДА) тизимида белгиланган тартибда киритиб борилмаслиги. Шунингдек, барча очилмаган жиноят жойларидан олинган бармоқ изларини республика автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизимидан текшириш учун мунтазам равишда юборилмаслиги;

– экспертларни хизмат вазифаларини пухта эгаллаганликларини ўрганилмаслиги, лозим топилган ҳолатларда туман ИИБ ЭКБ эксперти лавозимларига малакали эксперт ходимларни тайинлаш масалаларига эътибор қаратилмаслиги;

– вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика бўлимларида малакали кадрлар захирасини яратилмаганлиги, профессионал малакали ходимларни тайёрлаш мақсадида эксперт криминалистика хизматида бой амалий иш тажрибасига эга бўлган ходимларни бошқа хизматларга ўтказилишига ҳанузгача чек қўйилмаётганлиги;

– эксперт криминалистика хизмати лавозимларига тавсия этилаётган номзодларни мутахассислиги бўйича чуқур ўрганилган ҳолда лавозимларга тайинламаслик.

– шаҳар-туман ИИБ бошлиқлари томонидан экспертларни тергов-тезкор гуруҳи таркибидаги ҳодиса жойини кўздан кечиришдаги тўлиқ иштирокини, сифатини, жинойтларни иссиқ изидан очишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ашъвий далилларни олиниши ва тегишлилиги бўйича криминалистик ҳисоблардан текшириш учун тақдим этилишини кунлик назоратга олинмаганлиги

– мавжуд криминалистик техник воситаларни мунтазам инвентаризациядан ўтказилмаслиги, носозларини таъмирлаш, Эксперт-криминалистика бўлимлари омборида сақланаётган криминалистик-техник воситалардан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этилмаганлиги;

– вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи лавозимига тавсия этилган номзодни бўлим ишларини режалаштириш, ҳисоботлар тайёрлаш, ходимлар касбий маҳоратини ошириш бўйича ўқув машғулотларини мунтазам ташкиллаштирилмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ экспертлик-малакавий комиссиясининг фаолияти

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Экспертлик-малакавий комиссияси (ЭМК) Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар Вазирлигининг Эксперт-криминалистика маркази (ЭКМ) қошида экспертизаларни мустақил бажариш ҳуқуқини олмоқчи бўлган эксперт-криминалистларнинг малакасини аниқлаш мақсадида тузилади.

Комиссиянинг раиси Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКМ бошлиғи бўлади. У бўлмаган пайтда ЭКМ бошлиғининг ўринбосари раҳбарлик қилади.

Комиссия таркибига ушбу экспертиза тури бўйича камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ ходимлари киради.

Зарур бўлганда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ кворумга эга бўлмаган (экспертизаларнинг ҳар бир тури бўйича камида иккита мутахассис) экспертизалар турларини бажаришнинг етарли тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (РСЭМ), Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлигининг

экспертлик муассасалари, олий ўқув юртлари (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва Юридик институт) тегишли мутахассислари ва бошқа ихтисосли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Чет эл экспертлик муассасаларининг мутахассисларини Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭМК йиғилишида иштирок этишга жалб этиш лозим бўлганда комиссия раиси, у бўлмаганда эса унинг ўринбосари камида 10 сутка аввал ушбу экспертлик муассасасига комиссия йиғилишига таклиф этиладиган мутахассисларнинг керакли ихтисослиги, ушбу мутахассисларни комиссия кўриб чиқиши учун тақдим этилган материаллар билан таништирилишининг тартиби ва ушбу экспертлик муассасасининг Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭМК йиғилишига дахлдор бошқа маълумотлар кўрсатилган тегишли хатни юборади.

Ўз навбатида комиссия аъзолари бошқа экспертлик муассасаларининг ўхшаш комиссиялари йиғилишларида ўзаро келишилган асосда иштирок этишга ҳақлидир.

Экспертлар гуруҳини Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси негизида, ички ишлар идораларида экспертизаларни мустақил бажариш ҳуқуқига рухсатномалар учун тайёрланган ҳолда ЭМК имтиҳонларини қабул қилиш таълим жойига кўра Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭМК ихтисосли эксперти, комиссиянинг бошлиғи ёки бошлиғининг ўринбосари мажбурий иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Эксперт кадрларининг касбий тайёргарлиги бир турда ва тўлиқ бўлиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭМК раиси ва унинг ўринбосари, шунингдек унинг аъзолари Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг экспертлик-малакавий комиссиясининг йиғилишларида иштирок этиш, экспертларни тайёрлаш ва уларга ўз ваколатлари доирасида экспертизаларни бажариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни бериш билан боғлиқ бўлган ўқув материалларини ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси негизида экспертлик кадрларини тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган таклифларни киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасида малакали экспертлар бўлмаган янги экспертлик тадқиқотлари бўйича лабораториялар ташкил этилган ҳолда ЭМК таркибига тегишли муассасалар, идоралар, ташкилотлар ва компаниялар, ИТИ, олийгоҳлар ва шу кабилардан ихтисосли мутахассислар жалб этилади.

Комиссия таркиби комиссия раиси томонидан, у бўлмаганда эса комиссия раисининг ўринбосари томонидан тасдиқланади. Бошқа муассасалардан мутахассисларни жалб этиш уларнинг раҳбарияти билан келишилади. Ўз ишида комиссия Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг меъёрий ҳужжатлари ва мазкур Низомга таянади. Комиссияда иш юритиш унинг котиби томонидан юритилади. Комиссиянинг моддий-техник таъминоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМ томонидан амалга оширилади.

Асосий вазифалари. Эксперт хулосалари сифатини ошириш, экспертлик амалиётига энг янги илм-фан ва техника ютуқларини жорий этиш.

Қуйидаги экспертиза турларини мустақил бажариш ҳуқуқини олмоқчи бўлган ички ишлар идоралари экспертларининг касбий малакасини аниқлаш: дактилоскопик, трасологик, хатшунослик, ҳужжатларни техник тадқиқот қилиш, баллистик, совуқ қуролни тадқиқ этиш, шахсни портрети бўйича идентификация қилиш, кимёвий, физикавий, озиқ-овқат, автотехник, суд-бухгалтерлик, фоновидео-скопик, электротехник, қурилиш-техник, компьютер технологиялари юзасидан, геномли (ДНК-таҳлил) ва бажарилиши республика ички ишлар идораларида ташкил этиладиган бошқа турлари.

Материалларни ўрганишни ташкил этиш, шу жумладан экспертларга экспертизаларни бажариш ҳуқуқини бериш ёки бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш масалаларини ҳал қилиш учун комиссияга берилган экспертлик хулосаларига тақриз ёзиш, унинг асосида ЭМК тегишли қарорни қабул қилади.

Мутахассисларни жойларда, Негиз эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмаларида криминалистик экспертизаларни бажариш ҳуқуқига руҳсат олишга тайёрлаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш. Шу асосда ҚР ИИВ, ИИБ, Транспорт ИИБ раҳбариятига бу ишларни яхшилаш юзасидан таклифларни тайёрлаш.

Комиссия ишининг тартиби. Комиссия камида йил чорагида бир марта раис ёки унинг ўринбосари раҳбарлиги остида йиғилишларни ўтказилади.

Экспертлик малакавий комиссиянинг йиғилиши унинг таркибининг камида ярмиси ҳамда ушбу комиссия йиғилишида кўриб чиқиладиган муайян экспертиза тури бўйича қарор қабул қилишда ваколатли бўлган камида иккита комиссия аъзоси иштирок этган ҳолда ҳақиқий бўлади.

Комиссиянинг қарорлари оддий овоз кўпчилиги билан, ушбу экспертиза тури учун жавобгар бўлган мутахассисларнинг розилиги бўлгандагина қабул қилинади ҳамда комиссияга раислик қилувчи ва комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Комиссия котиби йиғилишдан кечи билан 15 сутка аввал комиссия аъзоларига экспертизаларни бажариш ҳуқуқига номзод бўлган экспертнинг хулосаларига тақриз ёзиш, комиссия йиғилишида кўриб чиқилиши лозим бўлган бошқа материалларни ўрганиш учун тегишли материалларни юбориши лозим.

Эксперт-криминалистрларга экспертиза бажариш ҳуқуқи берилиши масалаларининг ҳал қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭМК га қуйидаги материалларни тақдим этиш лозим:

– ҚР ИИБ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари раҳбариятининг номзодга муайян экспертиза турларини мустақил бажариш ҳуқуқининг берилиши тўғрисидаги илтимосномаси.

– экспертизаларни бажариш ҳуқуқига номзод бўлган эксперт тўғрисидаги маълумотлар: эксперт лавозимида ишлаш стажи; мураббий эксперт билан биргаликда бажарилган экспертизаларнинг сони, турлари бўйича; бунда қўлланган асосий услубий тавсиялар; тугатган ўқув юрти ёки олий ўқув юртида таълим олиши; мураббий-экспертнинг фикри; ўтган стажировкалари.

– ички ишлар идораларининг негиз эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмасида ёки бошқа экспертлик муассасасида стажировка ўтганлиги ҳақидаги хулоса, бундай стажировкадан ўтган ҳолда.

– эксперт бажариш ҳуқуқини олмоқчи бўлган ҳар бир экспертиза тури бўйича камида бешта экспертлик хулосаларининг нусхалари.

– эксперт бажариш ҳуқуқини олмоқчи бўлган экспертиза тури билан боғлиқ мавзудаги камида 20 бет ҳажмидаги реферат (қўлёзма шаклида берилишига йўл қўйилади).

– экспертда мавжуд бўлган экспертизаларни бажариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, экспертизаларнинг бошқа турларини бажариш ҳуқуқини олган ҳолда тегишли ёзувларни киритиш учун.

Юқоридаги материалларни баҳолаш асосида комиссия номзодни имтиҳонга қўйиш тўғрисида ёки имтиҳонга қўйишни рад этиш тўғрисида, қўшимча материалларни талаб қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Имтиҳон натижаларига кўра экспертга экспертизани бажариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилиши ёки бу ҳуқуқни бериш рад этилиши мумкин.

Экспертни экспертиза бажариш ҳуқуқидан маҳрум этиш масаласини ҳал этиш ташаббускорлари Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМ йўналишли (чизиқли) кураторлари, ҚР ИИВ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ раҳбарияти ва ЭКБ (ЭКМ)лари бўлиши мумкин. Бу ҳолларда ташаббускорлар комиссияга қуйидагиларни тақдим этиши лозим:

– ҚР ИИВ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ раҳбариятининг экспертни муайян экспертиза турларини бажариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги илтимоснома.

– экспертизаларни бажаришда қуйидагиларнинг бир неча марта қўпол бузилишларидан далолат берувчи ҳужжатлар: жиноий жавобгарлик юклатувчи жиноий-процессуал қонунчилик талаблари; катта ходимларнинг кўрсатмаларини инкор этган ҳолда хато хулосаларга олиб келган ашёвий далилларни тадқиқ этиш услубиётлари; турли сабабларга кўра хато хулосаларнинг била туриб берилиши ва бошқа экспертнинг касбий яроқсизлигини исботловчи ҳужжатлар.

– экспертнинг хато хулосаларининг нусхалари ва экспертларнинг такрорий хулосаларининг нусхалари, экспертнинг хато хулосаларни берганлигининг сабабларини тушунтириш хати билан;

– экспертизаларни бажариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома.

Комиссияга тақдим этилган материалларни кўриб чиқишда у қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

– бир ёки бир нечта экспертизаларни бажариш ҳуқуқини бериш.

– экспертизаларни бажариш ҳуқуқини беришни рад этиш.

– экспертни аввал берилган бир ёки бир нечта экспертиза турларини бажариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш. Бу ҳолда ҚР ИИВ, ИИБ, Транспорт ИИБ раҳбариятига комиссия йиғилиш баённомасидан экспертнинг экспертизаларни бажариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги кўчирма юборилади ва эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмасида экспертдан кейинчалик фойдаланиш имконияти юзасидан тавсиялар илова қилинади.

– тегишли қарорни қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатлар келишгача материалларни кўриб чиқишни кейинга қолдириш.

Экспертизаларни бажариш ҳуқуқига гувоҳномаларнинг расмийлаштирилиши ва уларнинг олиб қўйилиши. Экспертзани мустақил бажариш ҳуқуқи учун имтиҳонни муваффақиятли топширган экспертга белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Экспертизаларни бажариш ҳуқуқи берилиши тўғрисидаги гувоҳнома белгиланган шаклдаги бланкада расмийлаштирилади, комиссия раиси ва котиби томондан имзоланади, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ гербли муҳри (муҳрнинг акси туширилиши) билан тасдиқланади ҳамда комиссия котиби юритадиган журналда рўйхатдан ўтказилади.

Гувоҳнома шикастланган ҳолда ва ундан бошқа сабабаларга кўра фойдаланиш мумкин бўлмаганда алмаштирилиши, шунингдек эксперт гувоҳномада ёзилган экспертизаларнинг барча турларини бажаришдан маҳрум этилган ҳолда олиб қўйилиши лозим.

Олиб қўйилган гувоҳномалар йўқ қилиниши лозим, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭМК раиси ва котибининг имзолари қўйилган далолатнома тузилади ҳамда гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш журналида тегишли белги қўйилади.

Комиссия томонидан кўриб чиқилган материаллар зарур ҳолларда комиссия йиғилишлари баённомаларидан кўчирмалар, экспертизаларни бажариш ҳуқуқини берувчи расмийлаштирилган гувоҳномалар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг тегишли ички ишлар идораларига юборилади.

5-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ЭКМГА БЎЙСУНУВЧИ БЎЛИМЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Маърузанинг режаси:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМга бўйсунувчи Махсус тадқиқотлар бўлимининг асосий вазифалари ва функциялари.
2. Махсус тадқиқотлар бўлими томонидан махсус усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган экспертиза тадқиқотларида ҳал этиладиган масалалар.
3. ИИВ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ Эксперт-криминалистика маркази, бўлими қошидаги Шахсни идентификациялаш автоматлаштирилган тизими бўлими (бўлинмаси, гуруҳи)нинг ташкилий тузилиши, вазифа ва функциялари.
4. Республика марказий Шахсни идентификациялаш автоматлаштирилган тизими (ШИАТ)нинг портрет идентификацияси бўйича автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ).
5. Республика марказий АДТИнинг дактилоскопик идентификация бўйича автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ).

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМга бўйсунувчи махсус тадқиқотлар бўлимининг асосий вазифалари ва функциялари

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМга бўйсунувчи Махсус тадқиқотлар бўлимининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат:

- махсус усуллардан фойдаланган ҳолда экспертизаларни (махсус экспертизаларни) бажаради – физикавий-кимёвий, автотехник экспертизалар автотрасология билан, озик-овқат, суд-бухгалтерлик, қурилиш-техник, электротехник, геном экспертизалари (ДНК-таҳлил), фоновидеоскопик экспертизалар, компьютер технологиялари бўйича экспертиза;
- комиссиявий экспертизаларни ўтказишда иштирок этади, республика ички ишлар идоралари учун такрорий ва энг мураккаб экспертиза турларини бажаради;
- ички ишлар идорасининг манфаатдор хизматлари ва бўлинмалари билан биргаликда тезкор-тергов амалиётининг муайян ашёвий далилларни экспертлик тадқиқ этишдаги эҳтиёжини ўрганади ва янги экспертиза турларини ташкил этиш, мавжуд (бажариладиган)

турларини қайта ташкил этиш заруриятини, бунинг учун зарур бўлган моддий-техник воситалар ва шу йўналишдаги мутахассис-экспертлар сонини аниқлайди;

- криминалистик эксперт лабораторияларини тегишли моддий-техник воситалар, махсус услубий адабиётлар ва маълумот-ахборот материаллари билан таъминлашни, эксперт кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этади;

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига ашёвий далилларнинг эксперт тадқиқотларининг тўлиқлиги ва самарадорлигини ошириш, янги экспертиза турларини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар бўйича таклифларни тайёрлайди;

- эксперт хулосаларини тақриздан ўтказди, унинг асосида экспертларнинг одатий хатолари юзасидан шарҳларни тайёрлайди, хатоларга йўл қўйган экспертларнинг малакасини оширишни ташкил этади, ёки Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМ экспертлик-малакавий комиссияси орқали экспертни мазкур экспертиза турини мустақил бажариш ҳуқуқидан маҳрум этиш масаласини ҳал этади;

- ўз негизида ёки республика ички ишлар идораларининг негиз (таянч) эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари ва ўқув марказларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг турдош экспертлик муассасаларида эксперт-криминалистларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни, жумладан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКМ етакчи экспертлари бевосита иштирок этган ҳолда ташкил этади;

- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг турдош эксперт-криминалистика тузилмалари билан экспертлик тадқиқотларини бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича бундай ўзаро фаолиятнинг қабул қилинган меъёрлари ва тартибига мувофиқ ўзаро фаолият юритади (Шартномалар, Битимлар, Томонларнинг ўзаро келишувлари ва ҳоказолар);

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ манфаатдор аппаратлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига экспертлик тадқиқотларининг тўлиқлиги ва сифатини оширишга қаратилган тадбирларни ва таклифларни ишлаб чиқади;

- ўз қуйи тизимларига экспертлик тадқиқотларини ташкил этиш, экспертизаларнинг мураккаб турларини бажариш, жумладан жойига чиқиб бажаришда ёрдам кўрсатади, шунингдек экспертлик тадқиқотларининг муайян турлари бўйича йўналишли назоратни амалга оширади;

- тезкор-тергов амалиётининг эҳтиёжлари асосида экспертлик тадқиқотларини бажариш юзасидан услубий тавсияларни ишлаб чиқади, шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг турдош муассасалари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Ўзбекистон Республикаси ўқув ва илмий-амалий муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро фаолият юритади;

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимининг эксперт-криминалистика тузилмаларига уларнинг эксперт кадрларининг малакасини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари иш тажрибасини ўрганишда қабул қилинган меъёрлар ва белгиланган тартибга мувофиқ ёрдам кўрсатади;

- ашёвий далиллар экспертлик тадқиқотининг масалалари бўйича ўқув семинарлари ва анжуманларни ташкил этади ва ўтказди, шунга ўхшаш мажлислар, семинарлар ва шу кабиларда уларнинг ташкилотчилари таклифига биноан иштирок этади.

Махсус тадқиқотлар бўлими томонидан махсус усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган экспертиза тадқиқотларида ҳал этиладиган масалалар

Жиноий ишлар бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг криминалистик тадқиқоти асосан икки шаклда олиб борилади: ашёвий далилларнинг бирламчи тадқиқоти кўздан кечириш терговчи, суд томонидан олиб борилса, криминалистик экспертизалар махсус экспертиза муассасаларида ўтказилади. Турли хилдаги микрозаррачаларни аниқлаш, объектларнинг ташқи кўриниш хусусиятлари бўйича ажратиш мақсадида ўтказиладиган бирламчи тадқиқотларни бажаришда объектларнинг сарфланишига ва уларнинг кимёвий ва физикавий хусусиятларининг бузилишига йўл қўймайдиган усуллар (фотография, микроскопия, ультрабинафша ва инфрақизил нурлари, оддий кимёвий тестлар) қўлланилади.

Криминалистик техника воситалари ва усулларнинг асосий қисми ушбу объектларнинг экспертизасини бажарилиш жараёнида қўлланилади. Бу воситалар ва усулларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

– материаллар, моддалар ва маҳсулотларнинг кимёвий-физикавий ва бошқа хоссаларини ўрганишга имкон берадиган техник воситалари ва усуллар;

– таққослаш тадқиқотларида объектларнинг бир-бирига ўхшашлик ёки фарқ қиладиган хусусиятларини аниқлаш учун қўлланиладиган техник воситалари ва усуллар;

– эксперт томонидан олинган натижаларни тўғри баҳолаш учун ишлатиладиган усуллар ва техник воситалари.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва кучли таъсир қилувчи дорилар экспертизаси олдига қўйиладиган саволлар. Экспертиза олдига қўйиладиган саволлар қисқа, аниқ, экспертнинг билимига тааллуқли бўлиши керак. Қуйида баъзи бир саволлар келтирилган:

– воқеа жойидан олинган, топилган модда(лар) гиёҳвандлик воситаси (психотроп моддаси, прекурсор)ми, агар гиёҳвандлик воситаси (психотроп модда) бўлса, қайси турига мансуб;

– тақдим этилган объектлар (шприц, игна ва шиша идишлар)да наркотик ёки кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қолдиғи мавжудми;

– тақдим этилган ўсимлик қайси турга мансуб ва унинг таркибида гиёҳвандлик воситалари борми;

– гумон қилинаётган шахсдан ва унинг уйдан мусодара қилинган намуналар умумий бир тур ёки туркумга мансубми, агар шундай бўлса, қайси тур ёки туркумга тааллуқли;

– мусодара қилинган моддалар умумий манбага (умумий массага) мансубми;

– мусодара қилинган моддалар олинган, қўлланилган хомашё, ўсган жойи, тайёрланиши, ишлаб чиқарилиш усули ва сақлаш шароити бўйича умумий манбага мансубми;

– мусодара қилинган ўсимлик маълум бир томорқада ўсганми.

Юқорида келтирилган кўп ҳолларда учрайдиган саволлардан ташқари жинойий ишлар бўйича тергов олиб бориш жараёнида бошқа саволлар ҳам туғилиши мумкин.

**ИИВ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ Эксперт-криминалистика
маркази, бўлими қошидаги Шахсни идентификациялаш
автоматлаштирилган тизими бўлими (бўлинмаси, гуруҳи)нинг
ташкилий тузилиши, вазифа ва функциялари**

Автоматлаштирилган шахсни идентификация қилиш тизимининг ишлашига мувофиқ АШИҚТ ва МИС ходимларига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклатилади:

1. Ҳуқуқбузарларни фотосуратлар, видеоёзувлар ва бошқа портрет маълумоти ташувчиларидаги расмлари бўйича, фотороботлар бўйича идентификация қилиш, мурдаларни ўлимдан кейинги таниб олиш фотосуратлари бўйича, жинсий тажовуз объектларидан ёки воқеа жойини кўздан кечириш давомида олинган қўл бармоқларининг излари бўйича, шунингдек тирик шахслар ва мурдаларнинг дактилокарталари бўйича идентификация қилиш.

2. Тезкор-тергов структураларининг ходимлари томонидан эксперт-криминалист олдида қўйилган саволларга жавоблар сифатида расмий ҳужжатларни (эксперт хулосалари ва эксперт маълумотномалари) тайёрлаш;

3. РМАШИҚТ, АШИҚТ, МИС аппарат-дастурий мажмуаларининг техник-технологик талабларга мувофиқ ишлашини таъминлаш;

4. Шахсни идентификация қилиш бўлинмалари – РМАШИҚТ, АШИҚТ, МИС ва бошқа хизматларнинг шахсий таркибини шахсни қиёфа хусусиятлари ва дактилоскопик ҳисоб бўйича идентификация қилишда АШИҚТ имкониятларини қўллаш масалалари бўйича ўқитиш;

5. Шахсни идентификация қилиш тизимлари ишини ва тезкор-тергов хизматлар ва бўлинмалар, БХЧКФ бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот Маркази, шунингдек бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ўзаро фаолиятини таҳлил қилиш асосида ишини такомиллаштиришни таъминлаш.

Функциялари:

Умумий масалалар бўйича:

- мос ҳолда Ўзбекистон Республикаси ИИБ, ҚР ИИБ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ тизимининг, шунингдек бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг республика ички ишлар идоралари эксперт-криминалистика хизматининг фаолияти, криминалистик ҳисоблар ва картотекаларни юритишга оид ҳужжатлар ва материалларни ўрганади ва таҳлил қилади;

- ўзининг қуйи бўлим ва бўлинмаларининг минтақавий кураторлигини амалга оширади;

- мустақил тарзда ва бошқа манфаатдор хизматлар билан бирга-лиқда республика ички ишлар идорасининг тезкор-хизмат фаолиятининг АШИҚТ йўналиши бўйича назорат-кураторлик текширувларида иштирок этади;

- ҳам Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКМ ташаббусига кўра, ҳам идора ёки ЎЗР ИИБ бошқа аппаратларининг ташаббусига кўра

манфаатдор хизматлар билан биргаликда жиноятчиликка қарши курашнинг техник-криминалистик таъминоти билан боғлиқ айрим масалаларни ўрганишда иштирок этади;

- ҳисобот даврларига мувофиқ РМАШИҚТ, АШИҚТ ва МИС фаолиятининг яқунларини умумлаштиради, ўзининг қуйи тузилмаларидан керакли маълумотларни сўраб олади;

- РМАШИҚТ, АШИҚТ ва МИС ишига оид ЎзР ИИБ режалари, ЎзР ИИБ раҳбариятининг фармойишлари ва буйруқлари бўйича тадбирларни бевосита ижро этади ёки ижро этилишини ташкил этади;

- таҳлил этиш асосида ўз тузилмаларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ЎзР ИИБ тезкор йиғилишларида ёки ЎзР ИИБ коллегиясида ИИБ раҳбарияти томонидан кўриб чиқиб, ЎзР ИИБ асосий тадбирлари режасига ёки ЎзР ИИБнинг бошқа мақсадли режаларига киритиш учун тайёрлайди;

- РМАШИҚТнинг муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича; ярим йиллик; истиқболли; алоҳида муаммолар бўйича тадбирлар режаларини уларнинг тўла ҳажмида ва белгиланган муддатларда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

- ЎзР ИИБ, ИИБ бошқа хизматлари ва бўлинмаларининг ўз йўналишлари бўйича ҳужжатларини ишлаб чиқишда РМАШИҚТ ваколатлари қисмида иштирок этади;

- Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, бошқа вазирликлар ва идораларнинг экспертлик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси илмий-амалий муассасалари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг ўқув юртлари билан экспертлик фаолиятини унинг барча йўналишлари бўйича такомиллаштириш манфаатида ўзаро фаолиятни амалга оширади;

- қуйи тузилмаларига ташкилий-услубий масалалар бўйича ёрдам кўрсатади.

**Республика Марказий Шахсни идентификациялаш
автоматлаштирилган тизими (ШИАТ)нинг портрет
идентификацияси бўйича автоматлаштирилган иш жойлари
(АИЖ)**

«Маъмур»нинг автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ):

- тизим иш созлигини ҳар суткалик назорат қилиш;
- тизим ишламай қолиши ва бузилишини белгилаб олиш;

- таъмирлаш-профилактика ишларининг ҳисобини юритиш;
- ҳисоб-рўйхатга олиш журналларини юритиш:
- тезкор журнал;
- маълумотларни киритиш, алмаштириш ва йўқ қилиш операцияларини ҳисобга олиш журнали;
- тизим журнали;
- ҳисобот шаклларини тайёрлаш;
- режали ҳисобот;
- тезкор ҳисобот;
- тизимга рухсат этилмаган (ички ва ташқи) кириш ҳолатлари устидан назорат;
- маълумотлар базаларини назоратли кўриб чиқиш;
- РМАШИҚТ маълумот базаларида сақланадиган маълумотнинг режали ўзгартирилишини ўтказиш зарур бўлганда чораларини кўриш – олиб ташлаш (йўқ қилиш), кўчириш ва ҳоказолар;
- АШИҚТ ва РМАШИҚТ маълумот базаларида керакли ўзгартиришларни бошқариш;
- чоп этиш (қоғоздаги нусхаларини олиш).

«Назорат» АИЖ:

- ЎзР ИИБ АШИҚТ, ХЧК ва ФБдан келувчи маълумотларни текшириш/назорат қилиш ва РМАШИҚТ маълумотлар базаларига киритиш;
- «Киритиш» АИЖ даражасида тузатиш (рухсат этилган доирада) мумкин бўлган ҳолларда киритилаётган (ёки киритилган) маълумотнинг ҳаққонийлиги ва сифатини назорат қилиш.

«Киритиш» АИЖ:

- ЎзР ИИБ АШИҚТ, ХЧКФБ дан келувчи, шунингдек ички ишлар идоралари тезкор-тергов аппаратлари, Интерпол ММБ, бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг топшириқлари бўйича маълумотларни киритиш;
- планшетли сканер ёрдамида, видеоёзув (аналогли ва рақамли) кадрларини, рақамли фотоаппаратлар (уяли телефонлар ва ҳоказо) кадрларини бевосита киритиш, матнли маълумотларни клавиатура ёрдамида киритиш;
- моддий маълумот ташувчиларидан (лазер дисклари, магнит тасмалари ва ҳоказо) маълумотларни киритиш;

Изоҳ: киритишда «Назорат» АИЖ орқали киритиладиган маълумотларни назорат қилиш мажбурийдир.

«Эксперт» АИЖ:

- рейтинглари қийматининг пасайиши тартибида жойлаштирилган таниб олиш учун номзодлар тасвирларини кўриб чиқиш;
- идентификация белгиларини кўриб назорат қилиш;
- тадқиқот натижаларини ташаббускорга ёки манфаатдор тузилмага юбориш (бериш) учун қоғозда нусхаси шаклида тайёрлаш учун ишлатиладиган форматлаштирилган чоп этиш шаклларини киритиш ва сақлаш, шунингдек исталган шаклдаги зарурий расмли матнларни тайёрлаш;
- ташаббускорларнинг сўровларини бажариш натижалари юзасидан белгиланган шакл бўйича экспертлик хулосаларини тайёрлаш;
- юқоридаги автоматлаштирилган журналларда излаш натижаларини қайд этиш.

«Фоторобот» АИЖ:

- жабрланувчилар ёки гувоҳлар томондан қиёфани тасвирлаш асосида фотороботни (субъектив портретни) тузиш;
- юзнинг таянч тасвирини танлаш ва кейинчалик максимал ўхшашликка эришиш учун янада ишлов бериш учун миллий белгиларига ҳамда юқоридаги миллатларнинг жинсига кўра тасвирларнинг стандарт тўпламларидан фойдаланиш;
- идентификация маълумотлар базаси бўйича излашнинг салбий натижаси бўлган ҳолда олинган субъектив портретни идентификация қилинувчи маълумотлар базасига кейинчалик идентификация учун киритиш;
- фоторобот тузилиши ҳолатлари тўғрисидаги илова матн маълумотини киритиш;
- фоторобот тузиш натижалари бўйича материалларни тайёрлаш;
- ҳисоб-ҳисобот ҳужжатларини юритиш.

**6-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ Х.СУЛАЙМАНОВА НОМИДАГИ
РЕСПУБЛИКА СУД-ЭКСПЕРТИЗА МАРКАЗИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИАТЛАРИ**

Маърузанинг режаси:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Х.Сулайманова номидаги Республика суд-экспертиза маркази (РСЭМ)да ўтказилган экспертиза турлари.

2. РСЭМнинг экспертизаларнинг янги турларини амалда жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот фаолияти.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Х.Сулайманова
номидаги Республика Суд-экспертиза маркази (РСЭМ)да
ўтказилган экспертиза турлари**

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номи Республика суд экспертиза марказида куйидаги тур экспертизалар бўйича тадқиқотлар ўтказилади:

1. Криминалистик экспертизалар:

- суд хатшунослик экспертизаси;
- ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси;
- суд-баллистик экспертизаси;
- трасологик экспертизаси;
- суд-тупроқшунослик экспертизаси;
- экологик экспертизаси;
- товаршунослик экспертизаси;
- наркотик ва доривор воситалар, психотроп моддалар, нефть маҳсулотлари экспертизаси;

2. Инженер-техник экспертизалар:

- суд-автотехник экспертизаси;
- ёнғин-техник экспертизаси;
- суд-қурилиш-техник экспертизаси;
- суд-ерга оид экспертиза;

3. Бошқа турдаги суд экспертизалари:

- суд-филологик экспертизаси;
- суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертиза;
- суд-иқтисодий экспертизаси;
- суд-фонографикэкспертизаси;

- биологик экспертизаси;
- генетик экспертиза (одам ДНКси суд-биологик экспертизаси);
- ер участкаларига эгалик ҳуқуқининг қийматини эксперт баҳолаш экспертизалари;
- ташқи савдо алоқаларини суд-иқтисодий экспертизаси;
- суд-экологик экспертизаси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги 321-сонли қарори билан тасдиқланган дастурнинг 4-бандининг ижроси бўйича 6 та турдаги янги экспертиза тадқиқотларини амалиётга жорий этиш бўйича:

– рақамли технологиялар асосида аудио ва видео-манбалар, шунингдек, электр акустика монтажи белгиларини комплекс равишда текшириш йўналиши бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилиб, олинган натижалар асосида методик тавсиялар ишлаб чиқилди;

– ер участкаларига эгалик ҳуқуқлари қийматини аниқлаш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида методик тавсиялар ишлаб чиқилди;

– ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси бўйича ташқи иқтисодий алоқаларга оид методни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилиб, натижалари асосида методик тавсиялар тайёрланди;

– суд-экологик экспертизаси (сув ва тупроқ таркибини ўрганиш бўйича)га оид янги замонавий методларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилди, натижада сув ва тупроқ таркибида захарли моддаларни аниқлашга қаратилган замонавий тадқиқ этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилди;

– суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси бўйича тегишли илмий тадқиқотлар ўтказилиб, олинган натижалар асосида методик тавсиялар ишлаб чиқилди;

– суд-филологик экспертизасини ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш мақсадида илмий изланишлар олиб борилиб, улар асосида суд-филологик экспертизасини ўтказиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Марказ томонидан ишлаб чиқилган янги методлар, методик тавсиялар ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси учун катта аҳамиятга эгаллиги барча манфаатдор идоралар томонидан эътироф этилди.

РСЭМнинг экспертизаларнинг янги турларини амалда жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот фаолияти

Ҳозирги кунда Марказда экспертизаларнинг қуйидаги янги турларини амалга жорий этиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда:

– суд филологик экспертизалари; – суд сиёсатшунослик лингвистик экспертиза; – суд-экологик экспертиза; – рақамли технологиялар асосида аудио ва видео манбалар, шунингдек электроакустик монтаж белгиларини текшириш; – ташқи савдо алоқаларини суд-иқтисодий экспертизаси; – ер участкаларига эгалик ҳуқуқининг қийматини эксперт баҳолаш экспертизаси.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза марказида, суд экспертиза соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилади:

- ўзбек тилида, лотин алифбосида бажарилган қўлёзма матнлар ижрочисининг жинсини аниқлаш бўйича методика ишлаб чиқиш;
- ўзбек тилида лотин алифбосида, атайин ўзгартирилган ёзув билан бажарилган қўлёзма матнларнинг тадқиқотлари;
- Ўзбекистонда одам ДНКси Y-хромосомаси бўйича популяциясининг тадқиқотлари;
- наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг микро миқдорини тадқиқотлари методларини такомиллаштириш;
- босма қурилмалар ва принтер русумини идентификация қилиш мақсадида, турли принтерларда босилган матнлардаги штрихларнинг тузилишини тадқиқотлари;
- янги русумдаги автомашиналар протекторлари шиналарининг каталогини яратиш;
- суд-баллистик тадқиқотлари бўйича отувчини аниқлаш мақсадида электрон микроскопияни қўллаш имкониятларини такомиллаштириш;
- трасологик экспертизаларнинг маълумотли ахборот фондиди яратиш;
- ўсимлик ва ҳайвонлар мойларининг суд-экспертиза тадқиқотлари методикасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- турли марқадаги бўёқлар билан бўялган юнг толаларнинг таққослаш тадқиқотлари учун спектрал методларни криминалистик

экспертиза тадқиқотларида фойдаланиш ва бу каби тадқиқотларни ўтказиш;

- «UzGM» русумли автомобилларнинг тормоз тизими хусусиятларини тадқиқотлари;

- банк соҳасидаги иқтисодий жиноятларни содир этишда ишлатиладиган ҳужжатлар тадқиқотлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- баҳолашнинг бозор иқтисодиёти методлари бўйича қурилиш объектларини баҳолаш методикаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- рақамли ташувчиларда мавжуд бўлган ўзбек тилидаги оғзаки матн ёки фонограммаларга тозалаш воситалари (фильтрлар)ни таъсирининг тадқиқотлари.

Марказда суд экспертиза хизматининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлашга оид фаолият ҳам олиб борилади. Экспертиза соҳасининг 10дан ортиқ тури бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати тизимидаги суд экспертларини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича махсус курслар ўтказилади.

Шу билан бирга, суд-экспертларини дунёнинг ривожланган мамлакатларида тегишли малака оширишлари (стажировкалари)ни ташкил этиш бўйича, ундан ташқари, халқаро илмий-амалий форумларда иштирок этишлари бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу фаолият доирасида 2013 йил февраль ойида Марказ ходимлари Америка криминалистларининг 65-конференциясида (Вашингтон) иштирок этдилар.

Бундан ташқари, Германия Адлия вазирлиги қошидаги Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик Фондининг таклифига биноан, Марказнинг мутахассислари Германиянинг Франкфурт, Висбаден ва Дрезден шаҳарларида жойлашган экспертиза муассасаларида ДНК ва фонографик тадқиқотлар соҳасини ўрганиш юзасидан хизмат сафарига бўлдилар ва тажриба алмашиб келдилар.

Ҳозирги кунда Марказда суд-экспертиза хизматининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, суд-экспертиза лабораторияларини жойлаштириш ва жиҳозлаш бўйича халқаро стандартлар талабига тўлиқ жавоб берадиган янги бино қурилиши ишлари бошлаб юборилган. Марказнинг минтақавий бўлимларини, қўшимча турдаги

экспертизаларини ўтказиш имкониятини янада ошириш мақсадида моддий-техник жиҳозлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Марказ фаолиятига замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш ишлари бошлаб юборилган. Шунингдек, Марказнинг қурилмалари базаси (криминалистик техника, эҳтиёт қисмлар ва сарф материаллари)ни модернизация қилиш, Марказда янги турдаги экспертизаларни ташкил этиш ва ДНК маълумотлари бўйича миллий базаси (геном информация)ни яратиш бўйича замонавий жиҳозлар ва уларни сарф материаллари билан таъминлаш бўйича фаолият олиб борилмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, Марказ томонидан ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилади. 2013 йилда Ўзбекистонда суд-экспертизасининг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Марказнинг Интернет тармоғидаги Веб-сайтини янгилаш бўйича ишлар ниҳоясига етказилди ва бу сайт мунтазам равишда янгилаб борилади. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирокида мунтазам равишда семинар, давра суҳбатлари ва маърузалар ташкил этилади.

Марказда 2014 йил давомида 10 та ходим асосий ва 7 та ходим қўшимча эксперт мутахассислиги бўйича тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 декабрдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ Давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказилди.

Марказнинг 75 та ходими ўз эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги бўйича аттестациядан ўтказилди.

Марказ вилоят бўлинмаларининг 19 та ходими Марказнинг бош лаборатория ва бўлимларида малака оширдилар.

7-мавзу. ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА ХИЗМАТИНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ БОШҚА ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маърузанинг режаси:

1. Эксперт-криминалистика хизматининг ички ишлар органлари бошқа хизматлари билан ҳамкорлиги ва ҳуқуқий асослари.
2. Эксперт-криминалистика хизматининг тергов ҳаракатларидаги иштироки.
3. Тергов-тезкор гуруҳи топшириқлари бўйича криминалистик воситаларни қўллаш.
4. Эксперт-криминалистик хизматлари ходимларининг тезкор-қидирув тадбирларида иштироки.
5. Эксперт-криминалистика хизматининг жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолиятлари.
6. Ички ишлар органлари ходимларини ўқитиш, эксперт кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқитиш фаолиятидаги ҳамкорлик.

Эксперт-криминалистика хизматининг ички ишлар органлари бошқа хизматлари билан ҳамкорлиги ва ҳуқуқий асослари

Эксперт-криминалистика хизматларининг ички ишлар идораларининг бошқа (тергов, тезкор-қидирув хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш ва бошқа) хизматлари билан ўзаро ҳамкорлигини маъмурий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлмаган икки объектлар – эксперт-криминалистика хизматлари билан тергов; тезкор-қидирув хизмати; патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; жазони ижро этиш ва бошқа хизматларининг жиноятларни очиш ва тергов қилиш, жиноятларни содир этишга енгиллик яратган шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, эксперт кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқитиш ҳамда ички ишлар идоралари ходимларини ўқитиш, шунингдек ташкилий ва бошқа тадбирлар олиб боришда эксперт-криминалистика восита ва методларни қўллашдан иборат бўлган, қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳамда келишилган ҳолдаги фаолияти сифатида тушуниш мумкин.

Бу каби *ҳамкорликнинг субъектлари* бўлиб тергов; тезкор-қидирув хизмати; патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; жазони ижро этиш ва бошқа хизматлар ва эксперт-криминалистика хизматлари ҳисобланади¹.

Эксперт-криминалистика хизматлар ва ички ишлар идораларининг бошқа (тергов, тезкор-қидирув хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш ва бошқа) хизматлари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу хизматларда ягона пировард мақсад – жиноятларнинг олдини олиш, очиш ва тергов қилиш, жиноятчиларни қидириш (ушлаш)нинг мавжудлиги билан ифодаланади.

Жиноятларнинг олдини олиш, очиш, тергов қилиш, жиноятчиларни қидириш ёки ушлашда эксперт-криминалистик восита ва методларини қўллашнинг ёки техник-криминалистик таъминотнинг қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширишнинг *мажбурийлиги* ҳамкорлик субъектлари учун умумий ҳисобланади. Ҳамкорлик субъектлари ушбу ҳамкорлик алоқаларини тиклаш ва давом эттириш, шунингдек уни амалга оширишда ўзига хос *ҳуқуқларга* эга.

Эксперт-криминалистика хизматлар ва ички ишлар идораларининг бошқа (тергов, тезкор-қидирув хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш ва бошқа) хизматлари *ҳамкорлигининг объектлари* бўлиб эса жиноятларни очиш ва тергов қилиш, жиноятларни содир этишга енгиллик яратган шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, эксперт кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқитиш ҳамда ички ишлар идоралари ходимларини ўқитиш, шунингдек ташкилий ва бошқа тадбирлар олиб боришда эксперт-криминалистика восита ва методларни қўллаш мақсадидаги эксперт-криминалистика восита ва методларни биргаликда самарали қўллаш ёки техник-криминалистик таъминоти ҳисобланади.

Эксперт-криминалистика хизматлар ва ички ишлар идораларининг бошқа (тергов, тезкор-қидирув хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш ва бошқа) хизматлари *ҳамкорлигининг предмети* ушбу хизматларнинг далилларни йиғиш, текшириш ва улар-

¹ *Ивашко В.А. и др.* Деятельность экспертно-криминалистических подразделений органов внутренних дел по применению экспертно-криминалистических методов и средства в раскрытии и расследовании преступлений. – М., 1996. – С.14.

дан фойдаланиш бўйича биргаликдаги фаолияти натижасида олинган жиноят ҳодисаси тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашишда эксперт-криминалистика хизматлар ва ички ишлар идораларининг бошқа (тергов, тезкор-қидирув хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш ва бошқа) хизматлари **ҳамкорлигининг ташкилий асосларига** қуйидагилар киради:

- ҳамкорлик иштирокчилари томонидан бажарилаётган ҳаракатлар ва тадбирлар мақсад ҳамда вазифаларининг ягоналиги;

- томонларнинг ҳамкорлик бўйича фаолиятларининг келишилганлиги;

- ҳамкорлик иштирокчилари вазифаларининг ўзига хослиги;

- иштирокчилар ҳаракатлари шакллариининг қатъий белгилаб қўйилганлиги ёки томонларнинг қатъий белгиланган кафолатларга эгалиги;

- зарур ва етарли куч ҳамда воситаларнинг мавжудлиги;

- ички ишлар идораларининг бошқа (тергов, тезкор-қидирув хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш ва бошқа) хизматларининг топшириғини бажаришда эксперт-криминалистика восита ва методларни танлаш ҳуқуқи экспертда сақлангани ҳолда терговчининг раҳбарлик роли;

- ҳамкорликнинг ўз вақтида амалга оширилиши.

Эксперт-криминалистика хизматлар ва ички ишлар идораларининг бошқа (тергов, тезкор-қидирув хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш ва бошқа) хизматлари ҳамкорлигининг субъектларининг ўзаро фаолияти процессуал ва нопроцессуал шаклларда кечади.

Ушбу **ҳамкорликнинг процессуал шакллари**ни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Ушбу субъектларнинг тергов ҳаракатларини ўтказишдаги ўзаро фаолиятлари;

2. Ушбу субъектларнинг криминалистик экспертизалар ўтказишдаги ўзаро фаолияти.

Ҳамкорлик, ушбу ҳамкорликнинг амалга ошириш вақти бўйича уч турга бўлинади:

■ *доимий* (бир неча ўзаро ўхшаш жиноятларни очиш мақсадида тузиладиган тезкор-тергов гуруҳи таркибида биргаликда ишлаганда, биргаликда касбий тайёргарлик жараёнида ва ҳоказолар);

■ *эпизодик* (бир неча тергов ҳаракатларини амалга оширишда, терговчи томонидан тўхтатиб қўйилган жиноят ишлари бўйича қидирув ишларини амалга оширишда, биргаликда ташкилий-методик ишларни бажаришда ва ҳоказолар);

■ бир марталик (алоҳида тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда, криминалистик экспертиза ёки тадқиқот ўтказишда, техник ёки ташкилий турдаги бир марталик топшириқ бажарилганда ва ҳоказолар).

Эксперт-криминалистика хизматлар ва ички ишлар идораларининг бошқа (тергов, тезкор-қидирув хизмати, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш ва бошқа) хизматлари ҳамкорлиги субъектларининг ўзаро фаолиятининг *нопроцессуал шакллари*ни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1) ушбу субъектларнинг тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишдаги ўзаро фаолиятлари;

2) ушбу субъектларнинг криминалистик тадқиқотлар ўтказишдаги ўзаро фаолияти.

Эксперт-криминалистика хизматлари, ўзларининг хизмат вазифаларини бажаришларида, ички ишлар идораларининг барча манфаатдор хизматлари билан ҳамкорлик қиладилар, жумладан:

- тергов аппаратлари;
- тезкор-қидирув хизмати;
- патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари;
- профилактика (катта) инспекторлари;
- жазони ижро этиш хизматлари ва бошқалар.

Эксперт-криминалистика хизматининг тергов ҳаракатларидаги иштироки

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари эксперт-криминалистика тизимларининг ходимлари Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБга юклатилган вазифалар ва функцияларга мувофиқ илмий-техник воситалар ва усулларни, махсус билимлар ва малакаларни қўллаш асосида жиноятларни фош этиш ва тергов қилишнинг энг тўлиқ ва самарали техник-криминалистик таъминоти мақсадида

тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун жалб этилади. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ ходимларининг тергов ҳаракатларида иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг, Ўзбекистон Республикаси ИИБ меъёрий ҳужжатлари ва «Ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Йўриқнома»нинг меъёрлари ва талабларига қатъий амал қилиш асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ ходимлари тергов ҳаракатларида иштирок этишга фақат тегишли таълимдан ўтиб, тергов ҳаракатларининг техник-криминалистик таъминот ҳуқуқи учун рухсат олганидан кейингина қўйилади. Рухсат ИИБ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБнинг ШТБИХ, ЭКБ ва тергов бўлимларининг вакиллари таркибидаги комиссия томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ мутахассисининг тергов ҳаракатларида иштирок этиши учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ёзма топшириқ асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу тадбирда иштирок этиш учун мутахассис(лар) ажратилиши масаласини Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика хизматининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ мутахассиси тергов ҳаракатларида иштирок этиш давомида, ушбу тергов ҳаракатини бевосита амалга оширувчи раҳбар (терговчи)нинг кўрсатмаларини бажаради.

Мутахассис-криминалист тадбирнинг ташаббускоридан ушбу тадбирнинг техник-криминалистик таъминотига тегишлича тайёргарлик мақсадида тадбирнинг хусусиятларини ўрганиш учун зарур бўлган маълумотни талаб этишга ҳақлидир (қандай техника ва бошқа воситалар талаб этилади, қанча мутахассислар талаб этилиши мумкин, тадбирнинг давомийлиги ва ҳоказо). Бунда ташаббускор тадбирнинг махфийлигини фош этувчи муайян манзиллар, фамилиялар ва бошқа маълумотини кўрсатмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ раҳбари ёки мутахассиси ташаббускорга режалаштирилаётган (ўтказилаётган) тадбирнинг тўлиқ ва самарали амалга ошиши мақсадида ишлатилиши кўзда тутилган техник ва бошқа хил воситаларнинг тактик-техник имкониятларини тушунтиришга мажбур. Улар шунингдек ушбу тадбир бўйича илмий-техни восита ва усулларни қўллашнинг ишончлилиги ва натижа беришини оширган ҳолда юқори турувчи Эксперт-криминалистика хизматининг имкониятларидан фойдаланишни тавсия этишга ҳақлидир.

Тадбир ташаббускори шунингдек тадбир бошланишигача унда иштирок этиш учун ажратилган мутахассис-криминалистга унинг вазифалари ва функцияларини, тадбирнинг бошқа иштирокчилари билан ўзаро таъсирнинг тартибини ва амалга ошириладиган тергов ҳаракати режасининг бошқа хусусиятларини мутахассис-криминалистнинг иштирокига оид қисмида тушунтиришга мажбур.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ раҳбари ва мутахассислари тадбирни амалга ошириш босқичидан қатъи назар тергов ҳаракатларида иштирок этишдан қуйидаги ҳолларда воз кечишга ҳақлидир:

- «Ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Йўриқноманинг 1.2-бандига зид келувчи ҳолларда;

- ташаббускор қўйган вазифаларни техник таъминлаш имкони бўлмаганда;

- қўйилган вазифалар мутахассис-криминалистнинг ваколатлари доирасидан чиқиб кетган ҳолларда, бу ҳақда у дарҳол ташаббускорни ва ўзининг тўғридан-тўғри бошлиғини хабардор этиши лозим.

Мутахассис-криминалист илмий-техник восита ва усулларни қўллашнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиб, тергов ҳаракатларини амалга оширишга тегишли тарзда тайёрланиши лозим. Мутахассис-криминалистлар суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга жинойтнинг сабаблари, унинг содир этилишига кўмаклашган шароитларни аниқлашда ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиши лозим.

Мутахассис-криминалистлар суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги, ишни тергов қилишда ва суд мажлиси давомида белгиланган тартибга риоя қилиши лозим.

Мутахассис-криминалистлар тергов ҳаракати амалга оширилганидан кейин ўз бошлиғига ўзининг иштирокининг берган натижаларини билдириши лозим, бунда кейинги тергов ҳаракатларида уларга йўл қўймаслик мақсадида салбий жиҳатларга алоҳида эътибор бериши лозим.

ЭКБ ва тергов аппаратларининг бошлиқлари тергов ҳаракатларида илмий-техник восита ва усулларни қўллашнинг тўлиқлигини ва якуний натижа беришини ошириш мақсадида қуйидагиларга мажбур:

- шахсий таркибни ўзаро ўқитишни, ушбу масалалар бўйича амалий ва назарий билимларни қатъий ўзлаштиришни таъминлайдиган ҳажмларда ва даврийликда амалга ошириш;

- камида йил чорагида бир марта жинойтчиликка қарши курашда илмий-техник восита ва усуллар қўлланишининг биргаликдаги таҳлилини амалга ошириш, ва шу асосда ушбу фаолиятни такомиллаштириш чораларининг мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Мутахассиснинг ҳодиса жойини кўздан кечиришда ишлаш тартиби:

ЭКБ ходимлари навбатчилик қисми томонидан шакллантирилган тергов-тезкор гуруҳи таркибида техник-криминалистик ёрдам кўрсатиш учун мутахассис сифатида ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этиш учун жалб этилиши мумкин. Ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида ЭКБ ходими гуруҳнинг раҳбари бўлган терговчига бўйсунди. Гуруҳ раҳбарининг рухсатсиз мутахассиснинг ишига бошқа шахсларнинг аралашуви қатъий тақиқланади. Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимларини ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этишга ўз вақтида жалб этиш учун ИИБ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ, шаҳар-туман-линияли ИИБларнинг навбатчилик қисмларида тергов-тезкор гуруҳлари таркибидаги навбатчилиги ташкил этилади. Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимларининг навбатчилик қилиш тартиби ИИБ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ, шаҳар-туман-линияли ИИБ раҳбарияти томонидан уларнинг сонини ва тезкор вазиятни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Навбатчилик қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- ички ишлар идораларининг навбатчилик қисмларида тергов-тезкор гуруҳлар таркибида – республика ва вилоят марказларида жойлашган ҳудудий эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари штатларида камида 6 та экспертлар мавжуд бўлганда;

- қолган ҳолларда иш жойида ва иш вақтидан ташқари уйда.

Штатлар имконияти мавжуд бўлганда ва тезкор вазиятга қараб навбатчилик қилиш учун эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларининг иккита (ёки ундан ортиқ) ходими навбатчилик вақти ва шакли аниқланган ҳолда ажратилиши мумкин. Қуйидаги ҳолларда ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этиш учун эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимлари жадвалдан ташқари жалб этилиши мумкин:

- жадвалга мувофиқ навбатчилик қилган ходим бошқа иш билан банд бўлганда;

- ҳодиса тўғрисида ахборотни кўздан кечиришни муваффақиятли ўтказиш учун маълум билимлар соҳасида (биология, физика,

кимё, баллистика ва ҳоказолар) билимларга эга бўлган мутахассис иштирок этиши мақсадга мувофиқ эканлиги билдирилса.

ЭКБ мутахассислари мажбурий тартибда оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳолатлари билан боғлиқ бўлган ҳодиса жойини кўздан кечиришга жалб этилади. ЭКБ мутахассислари суд истиқболи бўлмаганлиги маълум бўлган (жиноий иш қўзғатилмайдиган) ҳолатлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этишга жалб этилмайди. Эксперт-криминалистик хизмати ходимининг ҳодиса жойини кўздан кечиришга чиқиши ва унинг хизмат жойига қайтиш махсус автомобилда – кўчма криминалистик лабораторияда (ККЛ) амалга оширилади. Бундай автомобиль бўлмаганда эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходими тергов ҳаракати ўтказилмайдиган жойга идора бўйича навбатчи берган автотранспортда чиқади. Навбатчи мутахассисни тергов ҳаракатини ўтказиш жойига ўз вақтида етказиш ва орқага қайтариш учун жавобгар бўлади.

Ҳодиса жойида ишни бошлаганда мутахассис дастлаб жиноятнинг ҳолатларини, унинг содир этилиши жойини қўриқлаш юзасидан ҳаракатларни ўрганади, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни аниқлайди. Вазиятни аниқлаганидан кейин мутахассис унинг олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишни таъминлайдиган ўз ҳаракатларининг режасини белгилайди, кўздан кечириш чегараларини, излар ва ашёвий далилларни аниқлаш, мустаҳкамлаш ва олиб қўйиш ҳаракатларининг кетма-кетлигини аниқлайди.

Терговчининг ўз режасининг моҳиятига кўра эътирозлари бўлмаганда мутахассис уни бажаришга киришади. Ҳодиса жойини фотосуратга ва видеотасвирга тушириш тартиби, мустаҳкамланиши лозим бўлган объектларни танлаш, фотосуратга олиш усули ва суратга олишнинг бошқа тактик вазифалари терговчи билан келишилган ҳолда аниқланади. Фотосуратга олишнинг техник хусусиятларини (масофаси, суратга олиш бурчаги, ёритиш тури ва бошқалар) мутахассиснинг ўзи белгилайди. Мутахассис вазиятга ўзгартириш киритишдан аввал мўлжал берувчи ва атрофни кўриб чиқиш суратларини олади, кейин эса кўздан кечириш тактикасига мувофиқ тартиб бойича фотосуратга олишнинг тугунли, тафсилотли ва бошқа зарурий турларини амалга оширади. Ҳодиса жойининг айрим тафсилотлари, ашёвий далиллар аҳамиятига эга бўлган излар ва предметлар аввал топилган ҳолатида суратга олинади. Бундан кейин суд фотографияси томонидан тавсия этилган, уларнинг индивидуал хусусиятларини энг тўлиқ, аниқ ва маълумот берувчи тарзда қайд

этишга имкон берадиган усуллар (шу жумладан объектларнинг ҳолатини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган) қўлланади.

Терговчи томонидан ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси тузилганда мутахассис аниқланган ва олиб қўйилган излар ва ашёвий далилларни таърифлашда ёрдам кўрсатади, қуйидаги маълумотларни умумлаштиради:

- излар ва ашёвий далилларни аниқлаш учун қўлланган воситалар;
- уларни олиб қўйиш усуллари (бутунлай олинган, қўймаси тайёрланган, предмет билан ёки унинг бир қисми билан олиб қўйилган ва ҳоказо);
- излар ва ашёвий далилларни топиш жойи (улар топилган предмет, юзанинг тури ва ҳоказо);
- излар ва ашёвий далилларнинг миқдори, уларнинг тури (таърифи, ясси ёки ҳажмли, статистик ёки динамик, рангсиз ёки рангли ва ҳоказо);
- шакли, ўлчами, индивидуал хусусиятлари;
- изларни қўшимча мустаҳкамлаш усуллари (фотосуратга олиш, схема тузиш, махсус воситалар ёрдамида ва ҳоказо).

Мутахассис ҳодиса жойида тез орада жиноятни фош этиш ва жиноятчиларни излаш топиш мақсадида изларнинг дастлабки тадқиқотини амалга оширади. Дастлабки тадқиқотнинг натижалари терговчи ва тезкор ходимга билдирилади ва кейинчалик ҳодиса жойини кўздан кечиришларни рўйхатдан ўтказиш журналида қайд этилади. Зарур ҳолларда мутахассис терговчига олиб қўйилган излар, қўймаларни ва бошқа ашёвий далилларни ўрашда ёрдам кўрсатади, ва экспертиза (тадқиқот) ўтказилиши ёки криминалистик картотека (коллекция) бўйича текшириш тўғрисидаги қарор (тезкор ходимнинг ёзма топшириғи) бўлганда уларни эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларига етказади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасига фото ёки видео суратга олиш қўлланиши маълумотларини киритиш учун мутахассис терговчига фотоаппарат ёки видеокамеранинг, объективнинг номи ва тавсифларини, ёруғлик филтрининг русуми, ёритиш шароитларини (сунъий ёритишда ёритувчиларнинг турини) тасманинг турини айтади. Фотосуратга олиш натижалари махсус бланкаларда фотожадваллар шаклида расмийлаштирилади ва уларга тушунтириш ёзувлари илова қилинади. Фотожадвалларни ВЖККда иштирок этган мутахассис имзолайди. Фотосуратга олишни бажарган мутахассис

терговчига фотожадвални ва негативларни ҳодиса жойини кўздан кечириш тугаган пайтидан бошлаб бир суткадан ошмаган муддатда, рангли фотоматериалларда бажаришда эса 2 суткадан ошмаган муддатда тақдим этади. Видеоёзувли тасма эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари видеотекасида сақланади ва терговчининг, суриштирув ўтказувчи шахснинг ёки суднинг талабига кўра намойиш этиш учун тақдим этилади. Видеоёзувни йўқ қилиш қонуний кучга кирган ҳукм асосида ушбу далилга дахлдор қисмида амалга оширилади. Фотожадвал ва негативлар илова хати билан терговчига юборилади ёки унга (ёки ваколатланган шахсга) фотоишлар ва фотоматериалларни сарфлашни рўйхатдан ўтказиш журналида имзо чектириб берилади. Агар фотосуратга олиш ёки видеоёзув натижалари қониқарсиз бўлса (фото видеоаппаратура носозлиги, тасма нуқсони ва ҳоказолар туфайли) мутахассис бу ҳақда терговчига фотосуратлар ва видеотасмани тақдим этиш мумкин эмаслигининг сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда билдиради.

Мутахассис-криминалистнинг сўроқ, юзлаштириш, таниб олиш учун тақдим этиш, ҳодиса жойида кўрсатмаларни текиштириш, мурдалар эксгумациясининг техник-криминалистик таъминотида иштироки:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ далилларни йиғиш билан боғлиқ тергов ҳаракатларда иштирок этишга мутахассис(лар) ва эксперт(лар) жалб этилиши мумкин. Ушбу тергов ҳаракатларни ўтказишда нутқ ва тасвирни мустаҳкамлаш мақсадида овоз ёзиш, видеоёзув, фотосуратга олиш қўлланиши мумкин. Мутахассис(лар)га ушбу тергов ҳаракатининг ўтказилиши учун масъул бўлган ва мутахассис(лар) унинг ёзма топшириғи бўйича ишлаган терговчи, суриштирувчи, прокурор, суднинг раҳбарлиги остида ваколатлари доирасида техник воситаларни қўллашдагина юклатилади.

Техник воситаларни қўллаш уларнинг турлари ва типлари, ишлатилган ахборот ташувчилар (фототасма, видеотасма, магнит тасмаси) кўрсатилган ҳолда тегишли баённомаларда акс эттирилади ва мутахассиснинг имзоси билан тасдиқланади. Овоз ёзувли магнит тасмасини сақлаш жойи ва тартиби масаласи тергов ҳаракатининг раҳбари томонидан мутахассис маслаҳати билан ҳал этилади. Видеотасмалар Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБда сақланади ва ваколатли шахснинг талабига кўра намойиш этиш учун тақдим этилади. Фотожадваллар 1 суткадан ошмаган муддатда ёки ушбу

жинойй иш бўйича дастлабки терговнинг ҳолатлари билан белгилан-
надиган бошқа муддатларда тайёрланади.

Овоз ёзиш, видеоёзув, фотожадвалларни монтаж қилиш қатъий
тақиқланади. Асл нусхалардан овоз ва тасвирлар нусхасини олиш
ушбу жиноий ишни юритувчи терговчи ва бошқаларнинг ёзма
кўрсатмасига биноан асл нусха сақланиши шарти билан амалга
оширилади ва белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Зарурият
қолмаганда ахборот ташувчиларни йўқ қилиш фақат ушбу жиноий
иш бўйича материалларни сақлаш учун масъул шахснинг асосли
ёзма кўрсатмаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ва ИИБ ЭКБ мутахассис(лар)и
суриштирувчи, терговчи ёки суднинг илтимосига кўра овоз ёзиш
ёки видеоёзувни намойиш этишда ёрдам кўрсатади. Ахборот ташув-
чиларни (фотосуратлар, магнит ёзуви ёки видеоёзув) ташаббускорга
техника бузилиши, носоз магнит тасмалари, видеотасмалар, фототас-
малар ва ҳоказолар туфайли тақдим этиш мумкин бўлмаганда мута-
хассис бу ҳақда бевосита уз бошлиғига ва тергов ҳаракати ташаббус-
корига топшириқни бажариш мумкин эмаслигининг сабабларини
кўрсатган ҳолда дарҳол билдириши лозим. Сабабларнинг асослили-
ги топшириқ бажарувчининг бевосита бошлиғининг имзоси ёки бу
сабабларни тасдиқлаши мумкин бўлган бошқа масъул шахс томони-
дан тасдиқланади (идорадан ташқарига хизмат сафарларига чиққанда).

*Мутахассис-криминалистларининг тергов экспериментида
иштироки:*

Маълум ҳаракатларни, тадқиқ этиладиган воқеанинг вазияти ва
ҳолатларини тиклаш мақсадида ўтказиладиган экспериментларни
амалга ошириш ва керакли тажрибаларни ўтказишда суриштирувчи,
терговчи, суд унда иштирок этиш учун тегишли мутахассислар ва
экспертларни жалб этиши мумкин. Экспериментнинг турига қараб
ҳар хил техник воситалар ва махсус билимлар қўлланиши мумкин:

- ҳаракатлар, тушунтиришлар ва ҳоказоларни мустаҳкамлаш
учун фото, видео, овоз ёзиш /суратга олиш қўлланади;

- кўрсаткичлар, тавсифлар ва шу кабиларни аниқлаш учун
тажрибани ўтказишда (технологик жараён, воқеа, масалан, ЙТХни
тиклашда) иштирок этиш пайтида экспертларнинг махсус билим-
лари, экспериментнинг хусусиятига мос келувчи техник воситалар
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБ имкониятлари ва ваколатлари
доирасида ишлатилади. Бунда шунингдек мустаҳкамлаш восита-
лари қўлланиши мумкин;

- Схемалар, чизмалар, экспериментал қўймалар ва изларни тайёрлаш учун тегишли воситалар.

Экспериментнинг ташаббускори ундан аввал жалб этиладиган мутахассисни ёки экспертни экспериментнинг самарали техник-криминалистик таъминоти ва ушбу тергов ҳаракатнинг мақсадига эришиш учун зарур доирада материаллар ва маълумотлар билан таништириши лозим. Зарур ҳолларда биргаликда ҳаракат режаси тузилади. Мутахассис ёки эксперт экспериментнинг исталган босқичида унинг объективлиги ва максимал натижа олиш мақсадида уни ўтказиш юзасидан тавсиялар беришга ҳақли (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 15-моддаси) Экспериментни ўтказиш тартиби ва шартларига рози бўлмаган ҳолда эксперт баённомада ўзи алоҳида фикрини ақс эттиришга ҳақлидир. Мутахассис, эксперт эксперимент ташаббускорига керакли тушунтиришлар бериши, унинг эксперимент билан боғлиқ бўлган саволларига жавоб бериши лозим.

Мутахассис-криминалистларнинг олиб қўйиши ва тинтувни ўтказишда иштироки:

Олиб қўйишда предметлар ва ҳужжатлар уларни топиш заруратисиз олиб қўйилишини ҳисобга олиб, ушбу тергов ҳаракатида мутахассислар олиб қўйиш жараёнини мустаҳкамлаш ёки бунинг учун махсус билимлар керак бўлганда эксперт иштирок этиши мумкин. Иккала ҳолда фотосуратга олиш, зарур бўлганда видеоёзув ва магнит овоз ёзиш қўлланиши мумкин. Агар ишлаб чиқариш технологиясида, уларнинг хусусиятлари ҳақида ва ҳоказо махсус билимларни талаб этувчи предметлар, моддалар ва шу кабиларни олиб қўйиш амалга оширилса, бу ҳолда олиб қўйишда иштирок этиш учун тегишли йўналишдаги эксперт жалб этилиши мумкин ёки Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКМ мутахассиси ташаббускор чет ташкилотдан жалб этган ихтисосли мутахассис билан бирга олиб қўйишни амалга ошириши мумкин. Олиб қўйиш ташаббускори ЭКБ ходимини мутахассис ёки эксперт тегишлича нарсаларни олиши мақсадида унинг хусусиятлари ҳақида хабардор этиши лозим.

Мутахассис зарур ҳолларда олиб қўйишда иштирок этишга чет ташкилотларнинг тегишли экспертлари ёки мутахассисларини жалб этишни тавсия этишга ҳақлидир. Тинтув иш учун муҳим бўлган предметлар, ҳужжатлар ва шу кабиларни актив излашни талаб этади, шунинг учун тинтувда иштирок этувчи ЭКБ мутахассиси тегишли воситаларга эга бўлиши лозим:

- яширин жойлар ва шу кабиларни топиш, шунингдек предметлар, хужжатлар ва бошқаларни топилган жойларини мустаҳкамлаш учун;

- фотоаппаратлар, видеокамералар, магнит кўтаргичлар, шуплар, металл излагичлар, асбоблар ва шу кабиларга эга бўлиши лозим.

Олиб қўйиш ёки тинтувда иштирок этувчи мутахассис ёки эксперт ташаббускорга (раҳбарга) олиб қўйилган ашёвий далилларни исботлаш аҳамиятига эга бўлган хусусиятларини сақлаш мақсадида ўрашда ёрдам беради.

Экспертизаларни бажариш, ашёвий далилларни қабул қилиш ва қайтариш тартиби:

Ашёвий далиллар билан боғлиқ ва уларнинг тегишлича тадқиқ этилишини талаб этувчи тергов саволларининг ҳал этилиши ЭКБ экспертларига юклатилган. Ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларида анъанавий: дактилоскопик, трасологик, хатшунослик, хужжатларни техник тадқиқ этиш, баллистик, совуқ қурол, портретли, кимёвий физикавий, озиқ-овқат, шунингдек махсус: физикавий-кимёвий, автотехник, озиқ-овқат, фоно-видеоскопик, электротехник, суд-бухгалтерлик, қурилиш-техник, компьютер технологиялар ва бошқа криминалистик экспертизалар тегишли мутахассислар ва керакли жиҳозлар мавжуд бўлганда ўтказилади.

Экспертизалар қатъий жиноий-процессуал қонунчиликнинг талабларига мувофиқ ўтказилади. Экспертизани ўтказиш учун суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асос бўлади. Экспертизалар фақат Низоми ва таркиби белгиланган тартибда тасдиқланган эксперт-малакавий комиссия томонидан берилган экспертизаларни мустақил бажариш ҳуқуқини берувчи тегишли расмий гувоҳномага эга бўлган эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимлари томонидан ўтказилади. Бошқа давлатлар томонидан берилган гувоҳномалар Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимининг эксперт-малакавий комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

Экспертизалар зудликни талаб этувчи ҳоллардан ташқари материаллар келиб тушиши тартибида ва 15 суткадан ошмаган муддатда бажарилади. Экспертиза ўтказиш муддати эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари раҳбарияти томонидан экспертизани тайинлаган шахс билан келишилган ҳолда эксперт тадқиқотининг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда узайтирилиши мумкин. Экспертизани бажариш муддати материалларнинг эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларига келиб тушган кунидан унинг бажа-

рилиши кунигача ҳисобланади. Хулоса бериш учун зарур бўлган қўшимча материалларни тақдим этиш ҳақида сўров юборилган ҳолда экспертиза ўтказиш тўхтатилади.

Терговчи (прокуратура, суд, суриштирув) қарорига мувофиқ материалларни эксперт тадқиқ этиш натижалари белгиланган намунадаги бланкадан фойдаланган ҳолда экспертнинг хулосаси шаклида расмийлаштирилади. Қимматбаҳо металллар ва тошлар, улардан буюмлар, қимматли қоғозлар, ўзбек ва чет эл пуллари, наркотик ва психотроп моддалар, қурол, рақамли ва бошқа шу каби ашёвий далиллар ташаббускор иштирокида қабул қилинади. Экспертизага келган материаллар илова ҳужжатларидаги рўйхатига нисбатан етишмаган ёки мос бўлмаган ҳолларда бу ҳақда икки нусхадаги далолатнома тузилади, улардан бири ташаббускорга берилади.

Наркотик ва психотроп моддалар, қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, валюта мажбурий тартибда ташаббускор олдида тортилади ва (ёки) саналади ва тақдим этилган ашёвий далилларнинг терговчи қароридаги тегишли маълумотга мувофиқлиги ҳақида икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири ташаббускорга берилади. Бундай ёзувни солиштириш иштирокчиларининг имзолари билан тасдиқланган ҳолда терговчининг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорининг орқасида ёзилишига йўл қўйилади.

Тадқиқот объектларининг сақланиши ёки бузилиши учун ушбу экспертизани бажаришга топширилган эксперт жавобгар бўлади. Ашёвий далиллар уларнинг бузилиши ёки йўқолишини инкор этувчи шароитларда сақланиши лозим. Кичик ўлчамли объектлар муҳрланадиган сейфларда сақланиши лозим. Тез бузиладиган ашёвий далиллар тегишли совутгичда сақланиши лозим. Катта ўлчамли ашёвий далиллар уларнинг сақланишини таъминлайдиган кириш чекланган хоналарда сақланиши лозим.

Экспертиза объектларини сақлашда уларнинг кимёвий мос келишига, хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган эҳтимолий ўзаро таъсирига хавфсизлик талаблари, қурол-яроғлар, портлаш қурилмалари ва портловчи моддалар ва шу каби-ларни сақлашга оид махсус талаблар ва ашёвий далилларнинг хусусиятига мувофиқ бошқа талаблар ҳисобга олинishi лозим. Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари экспертиза тайинлаган шахсинг розилиги билан йўқ қилинади. Бу ҳақда экспертнинг хулосасида кўрсатилади. Барча қайтарилиши лозим бўлган буюмлар (ашёвий далиллар) ўралади, муҳрланади ва экспертизани ўтказган эксперт-

нинг имзоси билан тасдиқланади. Экспертизани тайинлаган шахс почта орқали жўнатилиши мумкин бўлмаган ҳолда ашёвий далиллар олинишини таъминлайди. Ашёвий далилларни эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари коллекциялари, картотекаларига жойлаштириш учун берилиши жиноий ишни кўриб чиққан суд қарорига кўра амалга оширилади. Суд қароригача – терговчи ёки суриштирувчи олиб борувчи шахс билан келишиш асосида. Вақтинча сақлаш ҳолида ашёвий далиллар суд ёки терговчи талабига кўра зудлик билан берилади.

Бажарилган экспертизалар ва ашёвий далиллар, агар улар почтадан жўнатилмаса, экспертизани тайинлаган шахсга экспертиза ва тадқиқотни рўйхатдан ўтказиш журналида имзо чектириб берилади ва қайтарилади, уларнинг олинганлиги, фамилияси, исми, ота исми, шахсни тасдиқловчи ҳужжат рақами, олиш санаси кўрсатилади. Почта орқали жўнатилмайди: наркотик моддалар ва психотроп моддалар, қимматбаҳо металллар, тошлар ва улардан буюмлар, валюта, қурол-яроқлар, портловчи моддалар бўлган объектлар. Бундай ашёвий далилларнинг эксперт хулосаси билан бирга олинишини ташаббускорлар таъминлайди.

Ашёвий далилларнинг эксперт тадқиқотларининг сифати ва тўлиқлигини назорат қилиш ва уларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш мақсадда юқори турувчи ЭКБлар энг малакали ходимларга топшириладиган экспертлар хулосаларига тақриз ёзишни амалга оширадилар. Тақриз ёзиш тақриз ёзувчи бўлинманинг ёзма ёки оғзаки сўровига кўра амалга оширилади. Тақриз ёзиш учун тақриз қилинаётган экспертиза турининг ҳар бир дастуридаги экспертизаларининг 3 тадан нусхаси (фотожадваллари, терговчи қарори билан) тақдим этилади. Тақриз натижалари бўйича маълумотнома тузилади, унда хатоларнинг батафсил баёни, жорий этишга тавсия этилиши мумкин бўлган ижобий иш тажрибани қайд этиш, йўл қўйилган хатоларни тuzатишга оид тақлифлар (жойида, юқори турувчи ЭКБ негизида малака ошириш) бўлиши лозим. Маълумотнома икки нусхада тайёрланади ва тақриз ёзган ҳамда текширилувчи ЭКБ раҳбарларига маълумот учун ва тегишли қарор қабул қилиш учун тақдим этилади.

Тергов-тезкор гуруҳи топшириқлари бўйича криминалистик воситаларни қўллаш

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари жиноятчиликка қарши кураш мақсадида жиноятларни содир этишга тайёргарликда ёки жиноятларни содир этишда гумонланадиган шахсларга нисбатан, шунингдек жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида тезкор-техник воситаларни қўлланган ҳолда тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширадилар (бу фуқароларнинг соғлиғига зарар етказмаслиги шarti билан).

Тезкор аппаратлар тезкор-техник воситалар қўллашни ташкил этганда қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси ИИВ меъёрий ҳужжатларига ва ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Йўриқномага таянади.

Тезкор-техник воситаларнинг қўлланиши фақат жиноятчиликка қарши кураш, давлат манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини жинoий тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади. Айрим шахслар ва муассасалар тоифаларига нисбатан тезкор-техник воситаларни қўллаш чекловлари тегишли қонунчилик-меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Тезкор-техник воситалар одатда қатъий махфий равишда қўлланади. Уларни қўллаш натижасида олинган маълумотлар фақат жиноятларни фoш этиш ва олдини олиш, яширинган жиноятчиларни қидириш учун ишлатилади, улар билан бегона шахсларни таништириш ва уларни бошқа давлат идораларига, жамоат ташкилотларига бериш қатъиян тақиқланади.

Тезкор-техник воситаларнинг ошкора ва ноошкор (махфий) ишлатилишининг тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг тезкор хизматлари ва бўлинмаларининг фаолиятини тартибга солувчи тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган ашёвий далиллар фақат қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда жинoий ишга қўшиб қўйилиши мумкин. Асосий тезкор-техник воситаларга қуйидагилар киради:

- тасвирларни мустаҳкамлаш воситалари: фототехника; видео-техника; кичик ўлчамли репродукциявий (нусха олиш) техникаси;
- кўриб кузатиш воситалари: биноклар, кўриш трубалари, тунги кўриш асбоблари (жумладан тасвирни мустаҳкамлаш билан), перископик тизимлар, видеотизимлар, эндоскоплар ва ҳоказо;

- магнит ёзув аппаратураси: кичик ўлчамли ва ташиладиган магнитофонлар ва диктофонлар;

- магнит ёзув воситалари билан радиомикрофонлар, йўналтирилувчи микрофонлар, кичик микрофонлар ва ҳоказо;

- алоқа ва радионазорат воситалари: радиостанциялар;

- махсус қабул қилгичлар билан радиомикрофонлар;

- радиосигнал қурилмалари;

- микроузатгичлар;

- қабул қилиш-ёзиш қурилмалари ва ҳоказолар;

- овоз ва видео ёзувчи ва радио узатувчи мосламаларни аниқлаш ва излаш учун, хоналарни шовқинлаштириш, маълумотни рухсат этилмаган ёзиб олиш учун мосламалар;

- сканерловчи қабул қилиш мосламалари ва бошқа рухсат этилмаган маълумотларни олишга қарши туриш мосламалари;

- излаш асбоблари: металл излагичлар; магнит кўтаргичлар;

- кўчма рентген қурилмалари;

- турли детекторлар (портловчи моддаларга, пулнинг ҳақиқийлигига, олмосларни аниқлашга ва бошқалар);

- махфий дактилоскопия учун воситалар;

- махсус кимёвий воситалар (МХВ): люминофорлар; бўёқлар; МХВ билан белгиланган объектларни аниқлаш учун кичик ўлчамли ультрабинафша ёритгичлар;

- субъектив портретларни тузиш, ҳисобда турувчи шахсларнинг видеотекалари ва фотоальбомларини юритиш учун техник воситалар мажмуалари;

- тезкор қизиқиш туғдирувчи моддий объектлар бўйича экспертиза тадқиқотларни ўтказиш учун лаборатория ускуналарининг мажмуалари (экспертизаларни бажаришга ўхшаш).

Тезкор-тергов фаолиятида қўлланиши «Ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Йўриқноманинг 1.3-бандига зид келмайдиган бошқа воситалар ҳам қўлланиши мумкин.

Тезкор-техник воситалар қуйидагилар учун мўлжалланган:

- жинорий фаолият ҳолатлари ва унга у ёки бу шахсларнинг алоқадорлигини кўрсатувчи маълумотларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун;

- тезкор-қидирув фаолиятида ва жиноятни тергов қилиш жараёнида ишлатилиши мумкин бўлган воқеалар, фактлар ва материалларни мустаҳкамлаш учун;

- тайёрланаётган жиноятнинг олдини олиш учун;
- жиноятларни содир этишга кўмаклашувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун.

Тезкор-техник воситалар қўлланишининг юқори самарадорлиги қуйидагилар билан таъминланади:

- ички ишлар идораларининг тезкор-техник воситалар билан жиҳозланганлигининг тегишлича даражаси;

- ходимларнинг муайян тезкор-техник воситалар турларининг имкониятлари ва уларни қўллаш амалиёти ҳақидаги мустаҳкам билимлари;

- тезкор хизматлар ва бўлинмалар ходимларининг ўз ва юқори турувчи ички ишлар идораларининг ишларни самарали амалга ошириш учун тезкор-қидирув тадбирларини тезкор-техник воситалар билан таъминлаш борасидаги илмий-техник имкониятларидан хабардорлиги;

- тезкор-техник воситалар қўлланган ишларни амалга оширишнинг процессуал қоидаларини ва улардан фойдаланиш натижаларини расмийлаштиришни билиши;

- ички ишлар идораларининг тезкор-қидирув фаолиятида тезкор-техник воситалардан фойдаланадиган шахсий таркибининг касбий маҳоратини доимий такомиллаштириб бориш;

- тезкор ва эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларининг ички ишлар идораларининг илмий-техник имкониятларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлиқ ва самарали қўллаши масалалари бўйича фаол ўзаро муносабати.

Жиноятчиликка қарши курашда тезкор-техник воситаларни қўллашни ташкил этиш учун қуйидагилар жавобгар бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикалари ИИВларида – вазирнинг биринчи ўринбосарлари ва уларнинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ЖК ва ТҚКББ аппаратлари бўйича биринчи ўринбосарлари;

- Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ, Транспорт ИИБ, жазони ижро этиш бўлинмаларида – ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари ва уларнинг ЖК ва ТҚК аппаратлари, тезкор тузилмалар бўйича ўринбосарлари (хизмат мажбуриятларининг тақсимотиға мувофиқ);

- шаҳар-туман-линияли идораларда – бошлиқлар ёки уларнинг ўринбосарлари (хизмат мажбуриятларининг тақсимотиға мувофиқ).

Эксперт-криминалистик хизматларининг раҳбарларига қуйидагилар юклатилади:

- Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимининг тезкор тузилмалари иш амалиётида Тезкор-техник воситалар қўллашнинг илмий-техник масалалари бўйича услубий раҳбарлик қилиш;

- ўз ходимларининг тезкор аппаратларнинг топшириқлари бўйича муайян тезкор-қидирув тадбирларида тезкор-техник воситалардан фойдаланган ҳолда иштирок этишини таъминлаш;

- тезкор-қидирув фаолиятида тезкор-техник воситалардан амалий фойдаланишни таъминлайдиган ички ишлар идораларининг шахсий таркибини ўқитиш;

- ички ишлар идораларининг тезкор-қидирув фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган моддий-техник воситалар билан таъминлашни ташкил этиш;

- жиноятчиликка қарши курашда тезкор-техник воситалар қўллашнинг таҳлили асосида ҳуқуқни қўллаш амалиётида тезкор-техник воситалардан фойдаланишнинг тўлиқлиги ва самарадорлигини ошириш чораларининг мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- бўйсунувчи бўлинмаларнинг тезкор-хизмат фаолиятининг бўйўналиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ижодкорлиги ва услубий ишларини таъминлаш;

Қуйидагиларни таъминлаш юклатилади:

1) тезкор-техник воситаларни қўллаш билан боғлиқ бўлган хизматлар ва бўлинмаларга ёрдам кўрсатиш;

2) тезкор-техник воситалар ҳисобга олиниши, сақланиши, фойдаланишининг тўлиқлиги ва самарадорлигининг ҳолати устидан ҳамда ички ишлар идорасининг шахсий таркибининг тезкор-техник воситалар билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича касбий тайёргарлиги устидан кураторлик назорати.

Эксперт-криминалистик хизматлари ходимларининг тезкор-қидирув тадбирларида иштироки

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари жиноятчиликка қарши кураш мақсадида жиноятларни содир этишга тайёргарликда ёки жиноятларни содир этишда гумонланадиган шахсларга нисбатан, шунингдек жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида тезкор-техник воситалар (ТТВ)ни қўлланган ҳолда тезкор-қидирув тад-

бирларини амалга оширадilar (бу фуқароларнинг соғлиғига зарар етказмаслиги шарти билан).

ТТВ қўлланиши фақат жинойтчиликка қарши кураш, давлат манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини жинойий тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади. Айрим шахслар ва муассасалар тоифаларига нисбатан ТТВларни қўллаш чекловлари тегишли қонунчилик-меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

ТТВлар одатда қатъий махфий равишда қўлланади. Уларни қўллаш натижасида олинган маълумотлар фақат жинойтларни фош этиш ва олдини олиш, яширинган жинойтчиларни қидириш учун ишлатилади, улар билан бегона шахсларни таништириш ва уларни бошқа давлат идораларига, жамоат ташкилотларига бериш қатъиян тақиқланади.

ТТВнинг ошкора ва ноошкор (махфий) ишлатилишининг тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларнинг тезкор хизматлари ва бўлинмаларининг фаолиятини тартибга солувчи тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган ашъвий далиллар фақат қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда жинойий ишга қўшиб қўйилиши мумкин.

Асосий тезкор-техник воситаларга қуйидагилар киради:

- тасвирларни мустаҳкамлаш воситалари: фототехника; видео-техника; кичик ўлчамли репродукциявий (нусха олиш) техникаси;
- кўриб кузатиш воситалари: биноклар, кўриш трубалари, тунги кўриш асбоблари (жумладан тасвирни мустаҳкамлаш билан), перископик тизимлар, видеотизимлар, эндоскоплар ва ҳоказо;
- магнит ёзув аппаратураси: кичик ўлчамли ва ташиладиган магнитофонлар ва диктофонлар;
- магнит ёзув воситалари билан радиомикрофонлар, йўналтирилувчи микрофонлар, кичик микрофонлар ва ҳоказо;
- алоқа ва радионазорат воситалари: радиостанциялар;
- махсус қабул қилгичлар билан радиомикрофонлар;
- радиосигнал қурилмалари;
- микроузатгичлар;
- қабул қилиш-ёзиш қурилмалари ва ҳоказолар;
- овоз ва видеоёзувчи ва радио узатувчи мосламаларни аниқлаш ва излаш учун, хоналарни шовқинлаштириш, маълумотни рухсат этилмаган ёзиб олиш учун мосламалар;

- сканерловчи қабул қилиш мосламалари ва бошқа рухсат этилмаган маълумотларни олишга қарши туриш мосламалари;
- излаш асбоблари: металл излагичлар; магнит кўтаргичлар;
- кўчма ренген қурилмалари;
- турли детекторлар (портловчи моддаларга, пулнинг ҳақиқийлигига, олмосларни аниқлашга ва бошқалар);
- махфий дактилоскопия учун воситалар;
- махсус кимёвий воситалар (МХВ): люминофорлар; бўёқлар; МХВ билан белгиланган объектларни аниқлаш учун кичик ўлчамли ультрабинафша ёритгичлар;
- субъектив портретларни тузиш, ҳисобда турувчи шахсларнинг видеотекалари ва фотоальбомларини юритиш учун техник воситалар мажмуалари;
- тезкор қизиқиш туғдирувчи моддий объектлар бўйича экспертлик тадқиқотларни ўтказиш учун лаборатория ускуналарининг мажмуалари (экспертизаларни бажаришга ўхшаш).

Эксперт-криминалистика хизматининг жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолиятлари

Жиноятларнинг олдини олиш ички ишлар органларини энг муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигида суриштирув ва тергов органларига жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ёки имкон берган шарт-шароитлар ва сабабларни аниқлаш вазифаларини ҳам юклайди. Бундай сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашнинг воситалари бўлиб процессуал ҳаракатлар, бундай сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш воситалари бўлиб эса – терговчи, суриштирувчи ёки прокурорнинг тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотларга юборган ва керакли профилактик чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги тақдимномалари ҳисобланади. Шундай қилиб, жиноятларнинг олдини олиш фаолияти тўлиқ бўлмаса-да, жиноят-процессуал қонунчиликда ўз аксини топган, чунки жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг шакллари жуда кўп ва хилма-хилдир¹.

¹ *Капитонов В.Е.* Взаимодействия следственных органов и экспертно-криминалистических подразделений по профилактике преступлений: Учебное пособие. – М., 1999. – С.180; *Рыжков В.Л.*, Профилактическая деятельность эксперта-криминалиста: Учебное пособие. – М., 2001. – С.81.

Ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятларидаги иштироки, худди бошқа суд-экспертиза муассасаларининг шундай фаолияти каби қонунчиликда ўз аксини топмаган. Аммо шунга қарамай, ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига имкон берган ёки енгиллик яратган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича фаолиятлари истисно эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 184-моддасида эксперт томонидан турли экспертизалар ва тадқиқотлар ўтказиш чоғида, ўзига берилмаган саволларга тегишли бўлмаган, аммо кўрилаётган жиноят ишига алоқадор бирорта шарт-шароитлар аниқланса, у ҳолда эксперт ўзининг хулосасида ушбу шарт-шароитларни баён этиш ҳуқуқига эга деб белгиланган. Бундай шарт-шароитлар бўлиб, ҳеч шубҳасиз, жиноятларнинг содир этилишига имкон берган ёки енгиллик яратган сабаб ва шарт-шароитлар ҳисобланади.

Ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятларидаги иштироки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 2001 йил 21 августдаги буйруқда батафсил кўриб чиқилган. Ушбу буйруқ билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика хизматларининг фаолиятларини такомиллаштириш бўйича Йўриқнома тасдиқланган. Ушбу Йўриқномада эксперт-криминалиستларнинг асосий вазифалари сифатида жиноятларнинг содир этилишига имкон берган ёки енгиллик яратган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўрсатилган¹.

Ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятларининг меъёрий-ҳуқуқий асоси сифатида, айнан ана шу буйруқ билан тасдиқланган Йўриқномани келтириш мумкин. Чунки ушбу Йўриқномада ички ишлар идоралари эксперт-криминалистик хизматларининг экспертизалар ўтказиш бўйича қоидалар белгиланган ҳамда ушбу қоидаларда экспертга, унинг асосий вазифаларидан бири сифатида жиноятларни ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берган ёки енгиллик яратган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2001 йил 21 августдаги 230-сонли буйруғининг 4-илоvasи (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистик хизматларининг ишлари бўйича йўриқнома).

ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш топширилади. Бундан ташқари, ушбу йўриқноманинг 4-бўлими ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятларидаги иштироки масалаларига бағишланган.

Шундай қилиб, ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятлари қуйидаги меъёрий ва ҳуқуқий асосларга эга:

- ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятлари ижтимоий муносабат бўлгани учун ушбу фаолиятнинг биринчи ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади;

- ички ишлар идораларининг эксперт-криминалистик хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятлари тегишли моддалар билан тартибга солингани учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси иккинчи ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади;

- эксперт-криминалистларнинг асосий вазифалари сифатида жиноятларнинг содир этилишига имкон берган ёки енгиллик яратган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўрсатилганлиги учун, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 2001 йил 21 августда чиқарилган буйруғи ҳам яна бир ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига имкон берган ёки енгиллик яратган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш фаолиятини таъминлашнинг асосий принциплари (қонуниятлари) қуйидагилардан иборат:

- режалилик;
- ўз вақтидалилик;
- жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга оширишни назоратини таъминлаш;

- жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирларни ўтказишда

эксперт-криминалистика хизматларини тергов ва оператив-қидирув хизматлари билан ҳамкорлигини таъминлаш;

- жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тавсия ва таклифларнинг мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий жиҳатдан тежамлилиги¹.

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларини ташиқил этиш бўйича методларини танлаш, ушбу фаолиятни амалга ошириш босқичларига боғлиқ бўлади. Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларини режаслаштиришида қуйидаги методлар қўлланилади:

- эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларини қамраб олган режалар (йиллик, ярим йиллик, кварталлик ва бошқалар) тузиш;

- эксперт-криминалистика хизматлари ходимларининг функционал мажбуриятлари ва вазифаларини, уларни жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларида ҳам фаол иштирок этишини ҳисобга олган ишлаб чиқиш;

- жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирларнинг намунавий ва истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш².

Эксперт-криминалистик хизматларнинг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва

¹ Стегнова Т.В., Тертышник В.М. Профилактика преступлений: Учебник. – М., 2005. – С.287; Сырков С.М.. Профилактическая деятельность ОВД: Учебное пособие. – М., 1998. – С.78.

² Капитонов В.Е. Взаимодействия следственных органов и экспертно-криминалистических подразделений по профилактике преступлений: Учебное пособие. – М., 1999. – С.183.

имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларини ташкил этиш бўйича тадбирларни бажаришда қуйидаги методлар қўлланилади:

- жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ёки имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;
- эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг мутахассис сифатида тергов ҳаракатларида иштирок этишлари;
- эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг маълумот – маслаҳат бериш фаолияти;
- эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг ҳуқуқий тарғибот ишларида иштирок этишлари (ходимларнинг аҳоли ўртасида маърузалари, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлари ва шу кабилар);
- жиноятларнинг олдини олиш муаммолари бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказилиши;
- эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (прокуратура, суд) давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари томонидан ўтказиладиган жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирларда иштирок этиши;
- тегишли вазирликлар ва идораларнинг мансабдор шахсларига қимматбаҳо қоғозлар ва ҳужжатларни қалбакилаштириш усуллари, ёпиш мосламаларини очиш усуллари бўйича машғулотлар ўтказиш;
- эксперт-криминалистика хизматларининг иш фаолиятига жиноятларнинг олдини олиш бўйича тергов ва оператив қидирув хизматлари билан ҳамкорликнинг илмий асосларини татбиқ этиш;
- жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- эксперт-криминалистика хизмати, тергов аппаратлари ва оператив-қидирув хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш масалалари бўйича қўшма мажлис ва йиғилишлари, махсус машғулотлари ва илмий-амалий анжуманларини ташкил этиш¹.

¹ Рыжков В.Л. Профилактическая деятельность эксперта-криминалиста: Учебное пособие. – М., 2001. – С.84.

Эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг жиноятларини олдини олиш фаолиятини назорат қилишни амалга оширишда эса қуйидаги методлар қўлланилиши мумкин:

- эксперт-криминалистика хизматларининг амалий фаолиятини, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шарт-шароитлар ва сабабларни аниқлаш мақсадида умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг тергов ҳаракатларида мутахассис сифатидаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича амалий фаолиятининг натижаларини таҳлил этиш;

- оператив қидирув хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш мақсадларида берган топшириқларига кўра эксперт-криминалистик восита ва методларни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш;

- жиноятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширилишининг муддатлари ва сифатини назорат қилиш;

- тергов ва оператив қидирув хизматлари раҳбарларига, Эксперт-криминалистика хизмати ходимлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш бўйича муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятлари ва ушбу имкониятлардан фойдаланиш ҳолатлари ҳақида хабар бериш¹.

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолиятлари икки шаклда амалга оширилади: процессуал ва нопроцессуал.

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолиятларининг процессуал шакли – бу эксперт-криминалистнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексда белгиланган тарзда фаолиятларидан иборат, яъни:

- тергов ҳаракатларида мутахассис сифатида иштирок этиш жараёнида жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;

- тегишли қарор асосида ёки ўз ташаббуси билан криминалистик экспертизалар ва тадқиқотлар ўтказишда жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш.

¹ Порошин Г.Н. Исследование места происшествия следователем и экспертом-криминалистом органов внутренних дел. – Волгоград, 1979.

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолиятларининг нопроцессуал шакли – процессуал шаклдаги фаолиятдан шуниси билан фарқ қиладики, фаолиятнинг ушбу тури амалдаги қонунчиликда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган, бу фаолият фақат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардагина ўз аксини топган¹. Ушбу фаолиятнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- маълумот-маслаҳат бериш фаолияти;
- экспертиза амалиётини таҳлил этиш ва умумлаштириш;
- криминалистик восита ва методларни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш;
- ҳуқуқий ташвиқот ва тарғибот этиш фаолиятида иштирок этиш;
- назарий ва амалий тадқиқотлар ҳамда тажрибалар ўтказиш;
- жиноятларнинг олдини олиш тадбирларида бевосита иштирок этиш;
- тегишли органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари билан машғулотлар ўтказиш.

Эксперт-криминалистика хизматларининг процессуал шаклдаги жиноятларнинг олдини олиш фаолияти самарали ҳисобланади. Масалан, эксперт-криминалистика хизматининг ходими бирорта жиноят иши юзасидан тегишли тергов ҳаракатларида мутахассис сифатида иштирок этар экан (хусусан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда), ушбу турдаги жиноятни содир этишига енгиллик яратган ёки имкон берган шароитларни аниқлаши мумкин, сўнг уларни таҳлил этиб ва умумлаштириб, ушбу шароитларнинг кўрилаётган турдаги жиноят учун типик ҳолатларини ажратиш олади ва тегишли таклиф ва тавсияларни ўзига камраб олган маълумотнома тузади.

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шароитларни аниқлаш бўйича фаолиятининг иккинчи босқичида, Эксперт-криминалистика хизматининг ходимлари ва терговчилар томонидан, аниқланган шарт-шароитлар асосида жиноятларнинг олдини олиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади, асосланади ва шакллантирилади. Тергов ва эксперт-криминалистик хизматларининг амалий фаолиятини умумлаштириш ва таҳлил этиш натижасида ишлаб чиқилган жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шароитларни бартараф

¹ Рыжков В.Л. Профилактическая деятельность эксперта-криминалиста: Учебное пособие. – М., 2001. – С. 67-68.

этиш бўйича баъзи таклиф ва тавсиялар ички ишлар органларининг бошқа хизматлари учун ҳам зарур бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай таклиф ва тавсиялар, уларнинг амалда жорий этилиши бўйича маълумотларни тегишли барча органларнинг раҳбарларига етказиш лозим (масалан, ИИВ тизимидаги олий ўқув юртларига, ИИВ Академиясига).

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шароитларни аниқлаш бўйича фаолиятининг учинчи (жиноятларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалга татбиқ этиш) босқичида, терговчи асосланган тақдимномани тегишли органга тақдим этади; оператив хизмат бошлиғи тегишли чора-тадбирларни амалга оширади (агар жиноятларни олдин олиш бўйича керакли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида, унинг топшириғига кўра, техник-криминалистик восита ва методларни қўллаш амалиёти умумлаштирилган ва таҳлил қилинган бўлса¹).

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шароитларни аниқлаш бўйича фаолиятининг охириги тўртинчи (жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шароитларни бартараф этиш ҳамда жиноятларнинг олдини олиш бўйича таклиф ва тавсияларни амалга оширилиш жараёнини аниқлаб бориш) босқичида, терговчи эксперт-криминалистика хизматининг тегишли ходимини ёки унинг бошлиғини, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шароитларни бартараф этиш бўйича берган таклиф ва тавсияларини амалга жорий этиш натижалари бўйича хабардор қилади. Бундан ташқари, эксперт-криминалистика хизматининг ходими ёки унинг бошлиғи, ушбу фаолиятнинг натижаларини терговчидан сўраб билиши ҳам мумкин.

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларини такомиллаштириш учун, биринчи навбатда бу хизматнинг тергов аппаратлари билан узвий ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш лозим. Эксперт-криминалистика хизматларининг тергов аппаратлари билан жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб

¹ *Фёдоренко Ю.Д.* Применение технико-криминалистических средств в деятельности по профилактика преступлений. – Волгоград, 1999. – С.46.

ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларида ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун эса ушбу хизматларнинг раҳбарлари мазкур фаолиятни доимий назорат остига олишлари лозим. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг ва унинг тизимидаги тергов бўлимларининг бошлиқлари терговчиларнинг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича киритган тақдимномалари қай даражада амалга оширилаётганлигини доимий равишда назорат қилишлари лозим¹. Агар ушбу фаолият талаб даражасида бўлмаса, прокуратура ва давлат ҳокимияти органлари орқали ушбу тақдимномаларнинг талаб даражасида бажарилишига эришишлари керак.

Юқорида санаб ўтилган муаммо ва камчиликларнинг асоси жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларнинг субъектларининг ўз ваколатларини, ушбу фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини билмасликларидадир. Шунинг учун тергов аппаратлари ва эксперт-криминалистика хизматларининг раҳбарлари ўз ходимларига ушбу фаолиятнинг меъёрий – ҳуқуқий ҳамда ташкилий асослари бўйича ўқув машғулотлари ташкил этишлари лозим деб ўйлаймиз.

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятда иштирок этиши эксперт-криминалистика хизматларининг қилинган ишлар бўйича ҳисоботларининг тегишли бўлимларида баён этилади.

Эксперт-криминалистика хизматининг раҳбари (бошлиғи) ёки унинг топшириғи билан Эксперт-криминалистика хизматининг бирорта ходими, ушбу хизмат ходимларининг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятда иштирок этганлиги ҳақидаги барча маълумотларни таҳлил қилади ва умумлаштиради (одатда, Эксперт-криминалистика хиз-

¹ Капитонов В.Е. Взаимодействия следственных органов и экспертно-криминалистических подразделений по профилактике преступлений: Учебное пособие. – М., 1999. – С.91.

матининг бир йиллик иш натижаларига кўра). Мазкур таҳлилий иш жараёнида фикримизча куйидаги кўрсаткичлар таҳлил этилиши лозим:

- эксперт-криминалистика хизматининг ходимлари иштирок этган жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирларнинг сони;

- олди олинган ёки жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитлар аниқланган жиноятларнинг сони ва турлари;

- олди олинган ёки жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқланган жиноятларнинг содир этилган жой ва ҳудудлари;

- эксперт-криминалистика хизматлари ходимлари томонидан, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича берилган таклиф ва тавсияларнинг самарадорлик даражаси (жиноятларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг сони, уларнинг мазмун-моҳияти, терговчиларнинг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича киритган тақдимномаларида ўз аксини топган ва эксперт-криминалистлар томонидан билдирилган тадбирларнинг миқдори, жиноятларнинг олдини олиш бўйича таклиф қилинган ва амалга оширилган таклиф ва тавсияларнинг нисбати, ва ниҳоят, ушбу жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар натижасида сони қисқарган жиноятларнинг камайиш даражаси каби кўрсаткичлар ҳисобга олиниши лозим)¹.

Шундай қилиб, эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларида ҳам, ушбу хизматларнинг эксперт-криминалистик восита ва методларни қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай фаолиятда ҳам, ушбу хизматлар раҳбар-

¹ Рыжков В.Л. Профилактическая деятельность эксперта-криминалиста: Учебное пособие. – М., 2001. – С.121; Стегнова Т.В., Тертышник В.М. Профилактика преступлений: Учебник. – М., 2005. – С.120

ларининг алоҳида ўрнини таъкидлаш жоиздир. Чунки, Эксперт-криминалистика хизматининг ҳар қандай фаолиятни ташкил этиш учун мавжуд куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш ва улардан унумли фойдаланиш, ички ишлар идораларининг бошқа хизмат, бўлим, бўлинмалари билан узвий ҳамкорликни ташкил этиш, ўзининг қўл остидаги ходимларни ушбу ҳамкорликдан келиб чиқадиган барча функция ва вазифаларни самарали бажаришларини назорат қилиш, хизматнинг ҳар қандай фаолиятидаги, жумладан, эксперт-криминалистика хизматларининг жинойтларнинг олдини олиш, жинойтларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларидаги юзага келадиган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни тез ва самарали бартараф этиш айнан шу раҳбарнинг вазифасидир.

Ички ишлар органлари ходимларини ўқитиш, эксперт кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқитиш фаолиятидаги ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизматлари ички ишлар идоралари ходимларини ўқитиш, шунингдек эксперт кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқитиш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси билан ҳамкорликни амалга оширади.

Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимлари ички ишлар идоралари ходимларининг техник-криминалистик тайёргарлиги даражасини ошириш мақсадида уларни ўқитишда иштирок этадилар. Машғулотлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ услубий тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган мавзулар бўйича ўтказилади. Шу мақсадларда ички ишлар идорасининг раҳбарияти томонидан тасдиқланган режалар бўйича тезкор-қидирув ва тергов бўлинмалари ходимларининг қисқа муддатли (3-5 кунлик) амалий стажировкалари ўтказилади. Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаларининг имкониятларига қараб гуруҳли ёки индивидуал стажировкалар ўтказилиши мумкин.

Ўқитишнинг асосий шакли криминалистик воситалар ва усулларни қўллашнинг амалий вазиятига яқинлаштирилган шароитларда амалий машғулотлар бўлади. Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлин-

малари ходимларидан ташқари машғулотларни ўтказишга бошқа вазирликлар, идораларнинг мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари ходимларини танлаш ва ўқитишда ИИБ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ катта экспертларининг лавозимларига ихтисослашишнинг тасдиқланган рўйхатига мувофиқ, олий маълумотга ва эксперт тайёргарлигига эга бўлган шахслар қўйилади. ИИБ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБ экспертлари, ички ишлар шаҳар-туман-линияли идораларининг катта экспертлари лавозимларига олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган, шахслар қўйилади, эксперт тайёргарлигига эга бўлган шахсларга афзаллик берилади.

Истисно тариқасида катта экспертлар ва экспертлар лавозимларига эксперт тайёргарлигисиз олий ёки ўрта махсус маълумотли шахслар тайинланиши мумкин. Бу ҳолларда улар икки йил ичида ярим йиллик ихтисосли тайёргарликдан ўтиши ва белгиланган тартибда камида битта экспертиза турини бажариш ҳуқуқига эга бўлиши лозим¹. Ички ишлар шаҳар-туман идораларида техник-криминалистлар лавозимларига ўрта маълумотга эга бўлган ва махсус дастур бўйича бошланғич тайёргарликдан ўтган шахслар қўйилади.

Экспертлик тайёргарлиги бўлмаган ходимга тажрибали ходимлар орасидан мураббий эксперт бириктирилади. Мураббий унга бириктирилган ходимнинг индивидуал ўқиши режасини тузиши, унга назарий курсни ўзлаштиришда ва криминалистик техника билан ишлашнинг амалий малакаларини эгаллашда ёрдам кўрсатиши, тайёргарлигининг индивидуал режасининг бажарилиши устидан назорат қилиши, раҳбариятга ўқишнинг бориши ҳақида билдириб туриши лозим. Мураббий таълим олувчини экспертизаларни ва бошқа ишларни бажаришга жалб этади.

Малака ошириш ашёвий далилларни тадқиқот қилишнинг янги услубиётларини ўзлаштириш ёки экспертизаларнинг бошқа турларини бажариш ҳуқуқини олиш учун ташкил этилади. Малака оширишни (стажировкани) ташкил этиш у ўтказиладиган эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмаси бошлиғига юклатилади.

Ўқув юртларида йиғинлар ҳамда стажировкалардан ўтиш юзасидан буюртмалар юқори турувчи эксперт-криминалистик бўлим ва бўлинмалари раҳбарларига юборилади. Ўзбекистон Республикаси

¹ *Камишиников А.П.* Основы управления в правоохранительных органах. – М., 2004.

ИИВ ЭКМ келиб тушган буюртмалар асосида стажировка режасини тузади ва уни Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятида тасдиқлатади. Режанинг нусхаси барча манфаатдор ИИВ, ИИББ, ИИБ, Транспорт ИИБларига юборилади. У ходимни стажировкага юбориш учун асос бўлади.

Эксперт лавозимига махсус тайёргарликсиз тайинланган ходимлар ҳодиса жойини кўздан кечириш, бошқа тергов ҳаракатларида мутахассислар сифатида мустақил иштирок этишга, тезкор-қидирув бўлинмаларининг топшириқлари бўйича криминалистик восилалар ва усулларни қўллашга фақат улар ушбу ишлар йўналиши бўйича ҳуқуқий асослар ва услубий материалларни ўрганишидан, амалий малакани эгаллаш мақсадида стажировкадан ўтганидан кейингина қўйилади. Имтиҳон натижалари баённома билан расмийлаштирилади, у ходимнинг шахсий иш жилдига қўшиб қўйилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2014.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистик бўлинмаларини фаолиятини самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2001 йил 21 августдаги буйруғи. – Т., 2001.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларида суд экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома. – Т., 2011.

Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертиза маркази ҳақидаги Низом. – Т., 2004.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Суд экспертиза маркази минтақавий бўлинмаларининг хизмат кўрсатиш ҳудудларини аниқлаш ҳақида»ги 2011 йил 27 апрелдаги 30-сонли буйруғи. – Т., 2011.

Белкин Р.С. Криминалистику на уровень современных задач борьбы с преступностью // Актуальные вопросы использования достижений науки и техники в расследовании преступлений органами внутренних дел (вопросы криминалистики). – М., 1990. – С.4.

<http://akadmvd.uz>. (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси).

<http://lex.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

<http://www.uzscience.uz> (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси).

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-мавзу. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт- криминалистика хизматининг тизими, тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....	5
2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика хизматининг асосий вазифа ва функциялари.....	13
3-мавзу. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари эксперт- криминалистика хизматининг иш фаолияти.....	22
4-мавзу. Эксперт-криминалистика хизматида тизимларида номзодларни танлаш ва шахсий таркибни ўқитиш тартиби.....	26
5-мавзу. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКМга бўйсунувчи бўлимларнинг замонавий имкониятлари.....	36
6-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертиза марказининг замонавий имкониятлари.....	44
7-мавзу. Эксперт-криминалистика хизматининг ички ишлар органлари бошқа хизматлари билан ҳамкорлиги ва ҳуқуқий асослари.....	49
Адабиётлар рўйхати.....	82

МАМАТҚУЛОВ Тўлқин Бойхўрозович;
НУРУМБЕТОВА Садоқат Алляровна

ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИК ФАОЛИЯТ

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

Муҳаррир С. С. Қосимов
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 08. 05. 2017. Нашриёт ҳисоб табағи 5,5.
Адади 50 нусха. Буюртма № . Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.